O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Ватан ҳимояси - иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2003 йил, 20 декабрь, шанба № 152 (1884). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 20 декабря, 2003 г. № 152 (1884). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

ҚАРДОШЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

19 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Дўрмон» қароргоҳида расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Туркия Республикаси Бош вазирини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Юксак мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Режеп Эрдоган шоҳсупага кўтарилди. Давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон Президенти ва Туркия Бош вазири фахрий қоровул safи олдидан ўтди.

Шундан сўнг Ислом Каримов ва Режеп Эрдоганнинг яккама-якка суҳбати бошланди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Туркия ўртасида савдо-иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳадаги алоқалар, томонларни қизиқтирган бошқа халқаро масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Учрашувлар якунида уюштирилган матбуот анжуманида таъкидланганидек, икки мамлакат ўзаро муносабатларни ривожлантириш масалаларида ҳамфикр, муҳокама этилган халқаро муаммолар борасида қарашлари ўхшаш ёки яқин.

Ташрифнинг ўзидан кўзланган мақсад эса ҳамкорликни янги погонага кўтаришдан иборат. Бунинг учун барча асослар етарли. Икки мамлакат ўртасида муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори яратилган. Бу асос Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий алоқалар, терроризм ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши биргаликда кураш, ҳуқуқий ёрдам, соғлиқни сақлаш, транспорт, сайёҳлик, маданият каби соҳаларни қамрайдиган жами етмишдан зиёд ҳужжатдан иборат.

Халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон БМТ Хавфсизлик кенгашининг 2009—2010 йиллардаги нодоимий аъзолигига Туркиянинг номзодини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги ушбу мамлакатнинг расмий мурожаатини кўриб чиқмоқда. Ўзбекистон 2003 йили Руанда бўйича Халқаро трибунал, ЮНЕСКОнинг Ижроия кенгаши ва Жаҳон мероси қўмитаси, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашига бўлган сайловларда Туркияни ёқлади. Туркия Халқаро коммуникацияни ривожлантириш бўйича дастурнинг Ҳукуматлараро кенгаши аъзолигига Ўзбекистон номзодини қўллаб-қувватлади.

Икки мамлакат ЕХҲТ, НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида, Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши доирасида ҳамкорликни изчил ривожлантирмоқда. Туркиянинг Тошкентдаги элчихонасига 2002 йилнинг августидан 2004 йилнинг июлига қадар НАТОнинг Ўзбекистон билан алоқалар бўйича ваколатхонаси вазифасини бажариш топширилган.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисидаги битимлар билан мувофиқлаштирилади. Икки мамлакат ўртасида божхона тўловлари бўйича мумкин қадар қулайлик яратиш тартиби жорий этилган. 2002 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми салкам 200 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг ўн ойида бу борадаги кўрсаткич ўтган йилдаги айни даврга нисбатан 41,3 фоиз ошди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш мақсадида амалий ҳамкорлик кенгаши тузилган.

Айни пайтда умумий қиймати салкам 1 миллиард долларлик 16 лойиҳа биргаликда амалга оширилмоқда. Бу кредитларнинг ярмини Туркия Эксимбанки берган. Музокарада Режеп Эрдоган Туркия ҳукумати мазкур банкнинг Ўзбекистон лойиҳаларидаги иштирокини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаб, рағбатлантиришини таъкидлади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Туркия сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган 244 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида 39 турк компаниясининг ваколатхонаси рўйхатдан ўтказилган.

1995 йилдан мамлакатимизда Туркия Бош вазири котибияти ҳузуридаги Халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги, Ўзбекистон ва Туркия тадбиркорлари иттифоқининг ваколатхоналари фаолият юритмоқда. Улар икки томонлама ҳамкорликнинг иқтисодий, техникавий, ижтимоий, маданий ва маърифий дастурларини амалга ошириш билан шуғулланади.

Мамлакатларимиз қишлоқ хўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш, фан-техника, маданият, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сайёҳлик соҳаларида ҳам ҳамкорлик алоқаларини ривожлантирмоқда.

Ислом Каримов ва Режеп Эрдоганнинг мулоқоти икки мамлакат делегацияларининг музокарасида янада кенг кўламда давом этди. Томонлар муносабатларнинг бугунги босқичини таҳлил этар экан, ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўплигини таъкидлади. Туркия томони Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни мамнуният билан кузатиб келаётганини билдириб, жумладан, миллий валютамизнинг жорий халқаро операциялар бўйича конвертацияси йўлга қўйилгани ишбилармонлар ҳамкорлиги учун янги имкониятлар яратишини қайд этди.

Иш одамларининг бордикелдиси ва транспорт қатновини ривожлантириш учун шароитни янада яхшилаш масаласи муҳокама қилинди. Келаси йил Туркияда ҳукумат вакилларининг транспорт соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган учрашувини ўтказишга келишиб олинди.

Томонлар Афғонистондаги тикланиш ишларида қайси йўналишда ҳамкорлик қилиш ҳақида ҳам фикрлашди. Европадан Афғонистонгача бўлган транспорт коммуникацияси тармоғини ривожлантириш, хусусан, 2004 йилда Тошкентда бу масалага бағишлаб халқаро анжуман уюштириш юзасидан фикр алмашилди.

Режеп Эрдоган ҳукуматга раҳбарлик қилаётганидан буён ўтган 13 ой давомида Туркиядан салкам 60 мамлакатга расмий делегация юборилган. Лекин Туркия ҳукумат делегациясига ҳеч бир мамлакатда Ўзбекистонга келганичалик кўп ишбилармон ҳамроҳлик қилгани йўқ экан. Бу, албатта, томонларнинг ҳамкорликни ривожлантиришга кучли иштиёқи, хайрли хоҳиш-иродасидан далолатдир. Шу боис музокаралар давомида, кейин матбуот анжуманида тили, дини ва дили бир халқларимизнинг қардошлиги сўзда эмас, амалда намоён бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркия Бош вазири Режеп Эрдоган музокаралар якунлари бўйича Қўшма баёнотга имзо чекди. Икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворига халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик ва дипломатик паспорт эгалари учун визаларни бекор қилиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар ҳам қўшилди.

Журналистлар билан учрашувда томонлар кўрилган масалалар юзасидан фикр билдирар экан, Туркия Бош вазирининг ташрифи ва унинг якунларига юқори баҳо берди. Ислом Каримов учрашувлар ўзаро муносабатларни ривожлантиришга янги туртки беришига тўла асос борлигини қайд этди.

Келаси йил декабрда Туркиянинг Европа Иттифоқига қабул қилиниши билан боғлиқ масалалар кўтарилади. Ўзбекистон бу борада Туркияни қўллаб-қувватлайди. Зеро, ташқи сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири Евроосиёда улкан савдо макони яратишга ҳисса қўшиш бўлган Туркиянинг ЕИ сафидан жой олиши Европани Марказий Осиёга яқинлаштиришда муҳим омил бўлади.

Президент Ислом Каримов терроризмга қарши кураш мавзуига тўхталиб, яқинда Истанбул шаҳрида рўй берган қўпорувчилик ҳаракатлари муносабати билан Туркия халқи ва ҳукуматига яна бир бор ҳамдардлик изҳор этди. Кутилмаган пайт ва кутилмаган жойда содир этиладиган бундай мудҳиш воқеаларнинг олдини олиш мушкул, лекин ўлимни бўйнига олган террорчига қарши кураш — ишнинг ярми, холос. Унинг миясини заҳарлаётган, қўпорувчиларни тайёрлаб, хунрезликни молиялаштираётган манбаларни йўқотмоқ зарур, деди Ўзбекистон Президенти.

Режеп Эрдоган Ўзбекистон раҳбарининг терроризмга қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди ва Туркия бу борада мамлакатимиз билан ҳамкорликни изчил ривожлантириб бораверишини таъкидлади. Ўзбекистоннинг хавфсизлиги Туркиянинг хавфсизлигидир, деди меҳмон.

«Дўрмон»даги учрашувлар ниҳоясига етгач, Туркия Бош вазири «Интерконтинентал» меҳмонхонасида икки мамлакат ишбилармон доираларининг анжуманида қатнашди. Режеп Эрдоган турк иш одамларининг йирик делегацияси иштирок этаётган бу тадбир кўплаб фойдали келишувлар билан якунланишига ишонч билдирди.

Юксак мартабали меҳмон Олий Мажлис раиси Эркин Халилов билан учрашди. Мулоқот чоғида парламентлараро алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Режеп Эрдоган Хотира майдонида «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гул қўйди. Темурийлар тарихи давлат музейини томоша қилди. Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди. В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акционерлик жамияти фаолияти билан танишди.

Туркия Бош вазири 20 декабрь куни кўҳна Самарқандга ташриф буюради. У ерда шаҳарнинг қадимий обидаларини кўздан кечириш, «Самарқанд» қўшма корхонасида олиб борилаётган ишлар билан танишиши кўзда тутилган.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири.

● ВАТАН МУҚОФОТИГА САЗОВОР БЎЛГАН АСКАР

Жасоратни бурч деб билар ўзбек ўғлони

РАДАРДАГИ НОМАЪЛУМ НИШОН

Донишмандлардан бири шундай лутф қилган: молдавлатингдан айрилсанг — кўп нарса йўқотмайсан, номусингдан айрилсанг — анча нарса йўқотасан, мардлигингдан айрилсанг — ҳамма нарсангдан маҳрум бўласан. Ҳа, анча мулоҳазага чорловчи ҳикмат бу. Хизматим, касбим тақозоси билан одамлар орасида кўп юраман. Ҳикматда айтилган мардликни ўз манфаати йўлига сингдириб юборганларни ҳам кўп кўрганман. Шунда бу инсоний фазилат ўз моҳиятини йўқотади. Ахир манфаат аралашган жойга миннат аралашади. Мардлик эса яхшилик, эзгулик каби беминнат. Ўз манфаатингдан умумманфаатини устун қўя олганингда юзага келади, мардлик. Бунинг устига бу тоифадаги одамлар қилаётган ишини — хоҳ қаҳрамонлик бўлсин, хоҳ эзгу иш бўлсин жасорат санашмайди. Шунчаки бир бурч дея ўйлашади. Худди ана шу ерда мардлик туғилади. Жасорат кўрсатган оддий аскар Баҳодир Ҳусанов ҳам ана шундай қалб соҳиби. Миллий истиқлол мафкураси руҳида камол топган бу ўғлон мардликни худди шундай тушунади.

...30 март, якшанба. Соат чамаси ўн бир ярим. Баҳодир тезкор навбатчидан буйруқ олди. Унга кўра радиолокацион станцияни ишга тушириб, ҳаво сарҳадларимиз ҳимоясига киришмоғи лозим. Жанговар навбатчиликка биринчи бора тушиши эмас. Муайян тажрибаси бор. Синчковлик ва ўзига ишонч, қатъият билан хизмат вазифасига киришди. Турли хаёлларга берилиш, чалғишга ҳаққи йўқ. Навбатчилиги давомида юзлаб нишонларни кузатади. Фақат кузатиш билан иш битмайди-да. Нишонлар узоқлиги, йўналиши, хуллас тегишли координатларини аниқламоғи шарт. «Салом лочин, эркин сузавер», деб қўйди ичида мамлакатимизга тегишли «Боинг»ни кузатаркан. Ўзбекистонга таалуқли самолётларни кузатиб, ғурурланиб қўяди посбон. Ахир бэйроғимиз рамзи остида парвоз қилаяптида. Хуллас, бу пўлат қушлар билан бирга парвоз қилаётгандек сезади ўзини. Соҳасини астойдил севишига бир ҳисобдан ана шу сабаб. Қолаверса, ҳаво сарҳадларимизни ҳимоя қилишда озгина бўлса-да улуш қўшаётгани учун соҳасига меҳр билан киришади. Баҳодирга осон тутиб бўлмайди. Вазифаси диққатни бир жойга жамлашни, ўзига хос таранглиқни талаб этади.

Соат 12.00. Радарга термулиб турган оператор кутилмаганда номаълум, давлат белгиси йўқ, графикда бўлмаган нишонни кўрди. Нишон қўшни ҳудуд тарафдан мамлакатимиз сарҳадлари томон учиб келаётганди. Оператор — оддий аскар Баҳодир Ҳусанов бу ҳақда тезкорлик билан тезкор навбатчи капитан Абдураҳмон Норқўзиевга билдирди. Операторга йўриқнома бўйича жанговар вазифани бажаришда давом этиши ҳақида буйруқ берди, навбатчи. Посбон сарҳадларимизга пастлаб учиб келаётган номаълум нишон ҳақида навбатчи штурманга ҳам билдирув берди. «Координатлари, тавсифлари ҳақида зудлик билан маълумот берилсин!» буйруғини олгач, уни бажаришга киришди, Баҳодир. Бунинг масъулияти, мураккаблиги хусу-

(Давоми 2-бетда).

● «ЕНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОИЛИГИ»

Тайёргарлик даражаси юксак бўлсин деб

(МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ЕНҒИНГА ҚАРШИ КУРАШ ВА ҚУТҚАРИШ ИШЛАРИ БЎЛИМИ ВА «ВАТАНПАРВАР» ГАЗЕТАСИ ҚЎШМА РЕЙДИ)

Подполковник Тоҳир Байганов командирлигидаги ҳарбий қисмга куннинг иккинчи ярмида етиб келдик. Қисм штаби офицери ҳамроҳлигида Енғинга қарши кураш ва қутқариш ишлари гуруҳи жойлашган бинога етиб келганимизда режа бўйича навбатдаги амалий машғулотлар ўтказилаётган экан. Гуруҳ бошлиғи шартнома бўйича хизмат сержанти Аҳад Шерматов дарҳол машғулотни тўхтатиб бизга пешвоз чиқди. Мудофаа вазирлиги Енғинга қарши кураш ва қутқариш ишлари бўлими бошлиғи подполковник Жўра Ҳамраев қисқача ҳисобот қабул қилгач, шахсий таркиб билан яқиндан танишдик. Посбонлар тайёргарлик жараёни, кундалик хизмат билан боғлиқ саволларга жавоб бердилар. Албатта, текширув бу билан чекланиб қолгани йўқ. Уларнинг жанговар шайлиги амалда синаб кўрилди. Бирдан ўқув тревогаси янгради. Гуруҳ аъзолари тезкорлик билан ўт ўчириш машинасига жойлашиб, саноқли дақиқаларда белгиланган манзилга етиб келишди. Дарҳол ўт ўчириш енглари (узаткичлари) бир-бирига уланиб, шартли нуқтага сув сепилди. Сўнг махсус мослама қўшилиб, сал нарироққа худди фавворадек кўпик отила бошлади.

— Ҳар бир объект енғинга қарши ҳолатидан, ўзига хослигидан келиб чиқиб сув, кўпик, қум ёки тупроқ қўлланилади, — дея изоҳ берарди менга Тошкент гарнизони енғинга қарши кураш ва қутқариш ишлари бўлими бошлиғи капитан Рамазон Атажонов.

Қиш мавсуми учун белгиланган норматив «аъло»га бажарилганлиги эълон қилингач, гуруҳ бошлиғи ўз қўл остидаги посбонларга «балли», дегандек мамнун қиёфада боқди. Ахир техник, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ҳабибулло Бошмонов, оддий аскарлар — секция командири Жасур Нрзимов, ҳайдовчи Зафар Жўраев, ўт ўчирувчилар — Юсуф Раҳимов, Қаюм Ҳамидуллаев, Илҳом Бўронбоевлар текширувчилар олдида ўзларининг касбий маҳоратлари юксаклигини намойиш этган эдилар-да.

Ўқув машқларидан сўнг ўт ўчириш машиналари, махсус кийим-бошлар, воситалар ҳолати, навбатчи смена учун яратилган шарт-шароитлар, тегишли меъёрий ҳужжатлар, машқ майдонлари кўздан кечирилди. Ютуқлар таъкидланиб, шайлик даражасини янада яхшилаш борасида кўрсатмалар берилди.

Ўт ўчирувчи посбонлар гуруҳининг маҳорати, хизмат шароити, мажбуриятлари, улар зиммасидаги талаблар билан яқиндан танишар эканман, бир нарсага амин бўлдим. Енғиндан сақланиш, унинг олдини олиш ўта мураккаб бир жараён, кун сайин назарий билим ва тажрибасини, маҳоратини ошириб бормаган ўт ўчирувчига эса жанговар сафларда ўрин йўқ!

Рейднинг иккинчи куни подполковник Александр Синотов командирлигидаги қисмга боргунча сафимизга Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари ёнғинга қарши кураш ва қутқариш ишлари хизмати бошлиғи катта лейтенант Темур Ачилов ҳам қўшилди.

(Давоми 3-бетда).

● В ШКОЛАХ ПОДГОТОВКИ СЕРЖАНТОВ

ОРИЕНТИРУЯСЬ НА ЛУЧШЕЕ

У школы подготовки сержантов Центрального военного округа (ШПС ЦВО) налажены прочные международные связи с аналогичными военными учебными заведениями ведущих стран мира. По мнению руководства школы, ориентир на лучшие методики военного дела позволяет добиваться высокого качества в подготовке военнослужащих по контракту.

Полковник Самат Салихов в Вооруженных Силах с 1974 года, закончил СВВАКИУ и позже — Академию тыла и транспорта в России. В родном училище прошел путь от преподавателя до заместителя начальника, служил в штабе военного округа. С 2001 года — начальник ШПС ЦВО. Женат. Отец двух дочерей.

— Товарищ полковник, вы возглавляете школу с самого начала ее формирования, а сейчас сделано пять выпусков, прошел уже и шестой набор. Вспомните, с чего начиналась работа?

— Планка требований к качеству обучения изначально была поднята очень высоко. Достаточно сказать, что в 2001 году я ездил в США, на военную базу Форт Силл в штате Оклахома, где изучал опыт организации дела по подготовке артиллеристов. При этом старался учесть особенности наших Вооруженных Сил, что нам следует перенять, а что не имеет смысла внедрять. То есть слепого копирования не было, шла вдумчивая работа по анализу и сверке разных систем подготовки войск.

В частности, у нас нет такой узкой специализации, как в США, — уже в первом выпуске насчитывалось 17 специальностей. Причем тех же артиллеристов готовили не только для своего округа. Второй набор прошел с акцентом на подготовке специалистов связи в войска Министерства обороны и других силовых структур. К пятому выпуску довели количество специальностей до 21, из которых 5 приходится на связь.

— Общение с коллегами из разных стран позволяет накапливать опыт. Кому еще из ваших подчиненных за последнее время довелось побывать в загранкомандировках и где?

— Наши преподаватели подполковник Геннадий Онищенко и майор Ахроржон Солиев посетили Чехию, где в городке Вишков участвовали в презентации филиала английской школы подготовки сержантов. А инструктор по специальности связи сержант по контракту Уткир Маматов ездил в США, где ознакомился с организацией учебного процесса в школе подготовки сержантов для танковых войск.

(Окончание на 2-й стр.).

Ҳукуматлараро қўшма комиссия йиғилиши

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Ўзбекистон — Туркия ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди.

Уни ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг ҳамраислари — Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ганиев ҳамда Туркия Давлат вазири Меҳмет Ойдин бошқарди.

Ўзаро ишонч руҳида ўтган тадбирда ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун икки томонда ҳам имкониятлар етарли эканлиги таъкидланди. Мамлакатимизда туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда бунёд этилган қўшлаб корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатаётгани бунинг яқол далилидир.

2002 йили Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 190 миллион АҚШ долларини ташкил этган эди. Жорий йилнинг октябрь ойигача эса бу кўрсаткич 2002 йилнинг шу даврига нисбатан 41,3 фоизга ўсиб, 225 миллион АҚШ долларидан ошди.

Ўзбекистонда Туркиянинг кирққа яқин фирма ва компанияси ваколатхоналари рўйхатга олинган. Шунингдек, мамлакатимизда туркиялик сармоядорлар иштирокида ташкил этилган 244 корхона фаолият юритмоқда. Шундан эллик учраси юз фоиз Туркия сармояси билан ташкил этилган.

Мажлисда икки мамлакат ишбилармонлари ҳамкорлигида тайёр экспортбоп товарлар, хусусан, озиқ-овқат, енгил саноат, халқ истеъмоли моллари, қурилиш материаллари, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўшма корхоналар барпо этиш катта самара бериши қайд этилди. Бунинг учун икки мамлакат иш одамлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш, жумладан, қўшма бизнес-семинарлар ва конференциялар ўтказишга келишиб олинди. Банк-молия ва туризм соҳасида ҳамкорликни фаоллаштириш билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Ҳукуматлараро қўшма комиссия мажлиси якунлари бўйича имзоланган протоколда иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган аниқ чора-тадбирлар ўз аксини топди.

Сандмурод РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири.

ПУЛЬС ПЛАНЕТЫ

Япония приняла решение о создании национальной системы противоракетной обороны для отражения возможного ракетного нападения со стороны Северной Кореи. Совет национальной безопасности и правительство Японии на заседании одобрили план министерства обороны о начале заключения контрактов на поставки ракетных комплексов американского производства в 2004 финансовом году. Согласно проекту бюджета на 2004 год, правительство Японии планирует израсходовать на закупку ракетных комплексов около 100 млрд. иен.

***

Совет Безопасности ООН заявил о необходимости немедленного продолжения переговоров по воссоединению Кипра, отметив при этом, что недавно состоявшиеся на острове выборы свидетельствуют о том, что большинство турецких киприотов являются сторонниками того, чтобы единый Кипр в мае 2004 года вошел в состав Евросоюза.

***

Генеральная Ассамблея ООН провозгласила 26 апреля Международным днем памяти жертв радиационных аварий и катастроф. С инициативой принятия соответствующей резолюции выступили страны — члены Содружества Независимых Государств. Документ, подготовленный при координирующей роли российской делегации, предусматривает укрепление международного сотрудничества в изучении и минимизации последствий чернобыльской катастрофы.

***

Глава американской группы экспертов по поиску оружия массового поражения в Ираке Дэвид Кей намерен уйти в отставку в начале следующего года. Об этом сказали представители служб разведки. Кей сообщил администрации президента США, что он может покинуть свой пост в январе или феврале по личным или семейным обстоятельствам. Однако источник отметил, что «никакого четкого решения пока не принято».

***

В связи с угрозой эпидемии гриппа по требованию министерства здравоохранения Армении мэрия Еревана закрыла все школы и детские сады в столице. Как сообщили в минздраве Армении, количество больных гриппом в республике достигло 5 тыс. человек, причем более трех тысяч из них — дети. В Ереване гриппом болеют около 700 человек. Скорее всего, областные школы также прекратят занятия и, как и столичные, будут закрыты до 1 февраля 2004 года.

(По страницам Интернета).

ҲАМИША ДОЛЗАРБ МАВЗУ

2003 йил 19 декабрда Қуролли Кучлар Офицерлар марказий уйида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги «Фан ва технологиялар» маркази ҳамкорлигида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида ҳарбий хизматчиларни касбий тайёргарлиги ва ғоявий тарбиясининг долзарб муаммолари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Ўзбекистон Фанлар Академияси, Қуролли Кучлар, Ички ишлар Академиялари, ҳарбий билим юртлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари иштирок этган анжуман ишида Қуролли Кучларимиз учун кадрлар тайёрлаш, шахсий таркибни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий истиқлол ғояси, Ватанга садоқат туйғусини уйғотиш, ҳарбий анъаналар руҳида тарбиялаш масалаларига катта эътибор қаратилди.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ЖАСОРАТНИ БУРЧ ДЕБ БИЛАР ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

сида бир оз ойдинлик киритсак. Айнан шу пайтда оддий аскар Ҳусанов масъул бўлган йўналишда бошқа нишонлар ҳам бор эди. Ўз навбатида уларни ҳам кузатиш, муҳими номаълум нишон билан чалғитмаслик керак. «Чақирилмаган меҳмон» ўзбек посбонининг ўткир нигоҳларидан қочиб қутулолмади. Руҳий таранглик бир оз ортгани рост. Бироқ ҳеч қандай ҳаяжон, довдираш таъқиб қилгани йўқ. Шу сабабли ҳар дақиқада қўмондонлик пунктини, навбатчи штурманини аниқ маълумотлар билан таъминлаб турди. Ҳаво сарҳадларимиз ҳимоячилари жанговар шай ҳолатга келтирилиб, ҳамкорликда ҳаракат қилинди. Оддий аскар Баҳодир Ҳусановнинг ҳушёрлиги, сергаклиги, ўз бурчига садоқат билан ёндашуви туфайли ҳаво сарҳадларимизга киришга уринган нишон ўз вақтида аниқланиб, тегишли чора кўрилди.

БУГУННИНГ АСКАРИ

Президентимиз — Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий маҳоратини ошириш, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳар қандай машаққатли синовдан шараф билан чиқиш ҳарбийлардан нафақат жисмоний тайёргарликни, балки юксак ақл-идрок, интеллектуал салоҳият, алоҳида руҳий-маънавий хусусият ва фазилатларга эга бўлишни, энг замонавий қурол-яроғларнинг сир-асрорларини пухта эгаллашни тақозо этишини айтиб, бу ўз навбатида ҳарбий хизматчиларимизнинг мустаҳкам иродаси, фидойилиги, она юртга муҳаббат ва садоқатига боғлиқлигини таъкидлаган. Бундан келиб чиқиб, бугуннинг аскари қандай бўлмоғи лозимлиги хусусида бир оз фикр юритсак. Аввало бугуннинг аскарига қўйиладиган талаблар ислоҳотлар талаблари, мавжуд ҳарбий-сиёсий вазиятдан келиб чиқади. Солда қилиб тушунтирадиган бўлсак, посбон десантчи бўладими, оператор ёки снайпер бўладими, ўз соҳасига касб сифатида ёндашиши керак. Касб сифатида ёндашдими, уни чуқур эгаллашга ҳаракат қилади. Бу эса ундан юксак ақл-идрок, интеллектуал салоҳият талаб қилади. Келинг, буни оддий аскар Баҳодир Ҳусановнинг хатти-ҳаракати мисолида кўриб ўтайлик. Баҳодир — Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларига қарашли қисмда оператор. У ўзига бириктирилган жанговар аслаҳани моҳирона бошқармоғи лозим. Вазифаси шугина холос, деб ўйласак хато қиламиз. У ҳолда ўқчи посбон қуролдан нишонга отишдан, меҳаник-ҳайдовчи жанговар техникани бошқаришдан нарига ўтмаслиги керак. Одам—робот эмас, ҳар ҳолда. Унда ҳис-туйғу, инсоний фазилатлар бор. Демак, аскарнинг қуролини унинг ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, ўз халқига садоқати ҳам бошқариб туриши керак. Ахир, замонавий армияда аскар учун турникда тортилиб, тўсиқлардан сакраш, нишонга бехато отишнинг ўзигина камлик қилади-да. Баҳодир бугуннинг аскари бўлгани учун ҳам фавқулодда вазиятда ўзини мардларча тутди.

ЮРАГИДА САДОҚАТ УЙҒОҚ

Капитан Абдураҳим Норқўзиев оддий аскар Ҳусановнинг гуруҳ командири. Буни қарангки, ўша воқеа қайд этилган кун у тезкор навбатчи бўлганди. Келинг, посбон командирининг сўзларига ҳам қулоқ тутайлик:

— Баҳодирнинг хизматини бошлаган даври кечагидек эсимда. Гап-сўзидан англадимки, анча зукко, билимдон. Радиолокацион станция ҳақида бир оз тасаввурга эга бўлгач, оператор бўлишга қизиқиб қолди. Мураккаб, масъулиятли вазифани танлаётганини, тез-тез жанговар навбатчиликка туришини, ҳатто кечаю кундузи жанговар вазифани бажаришга тўғри келишини билса-да, қароридан қайтмади. Унинг сабр-матонатли, иродали ўғлон эканлигини ўшандаёқ англаганман. Йўриқнома бўйича операторлар икки ой давомида ўз вазифасини ўзлаштириши лозим. Баҳодир эса 15—20 кун ичида соҳа сир-асрорларини эгаллаб олиб, қобилиятли аскар эканлигини исботлади. Мен унинг бу интилишлари замонида Ватанга, конституциявий бурчига садоқат туйғулари юрагида уйғоқ эканлигини ҳис этдим.

НОРМУРОД БОБОНИНГ НЕВАРАСИ

Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига биноан оддий аскар Баҳодир Ҳусанов «Жасорат» медали билан тақдирланди. Бундайин хушхабар айниқса қишлоқда дув-дув гап бўлади-да. Бирови «эшитдингларми, Маданият қишлоғидаги пайвандловчи Ғани Ҳусановнинг ўғли қаҳрамонлик кўрсатиб, давлат мукофотини олибди. Отасига раҳмат, шундай фарзандни тарбиялагани учун» деса, яна бири «Нормурод бобонинг невараси-да. Бобосига тортибди» дейди. Ҳа, Қашқадарёнинг Яккабоғида одамларга гап учун мавзу топилди. Табиатан қизиқ халқимиз бор-да. Соддадил қишлоқ одамлари йигитнинг мардлигидан гўё афсона тўқишди. «Буни қаранг, боласи тушмагур фалон-фалон ишларни қилибди» қабилида. Эл фарзанди элининг ғозига тушди. Келинг, шу ўринда қаҳрамонимиз ўсиб-улғайган хонадон аъзолари билан танишайлик. Баҳодирнинг отаси Ғани ака ҳалол меҳнати билан эл хизматида. Олти фарзанди бор, 4 ўғил 2 қиз. Онаси — Ҳалима опа Ҳусанова иккинчи гуруҳ ногирони. Фармонни ўқиган ҳамоно фарзандини табриклади. «Юзимизни ерга қаратмадинг, болам. Сен билан фахрланаман» деб. Саксонни қоралаган Нормурод бобо доим дуода. «Оқ фотиҳамни олиб, хизматга жўнаган. Бобосининг неварасида у», дея кўкрагига уриб қўяди.

Гап келганда бир нарсани айтай. Баҳодир армиягача Яккабоғдаги қишлоқ хўжалик коллежида фермер-ўсимликшунос ихтисослигини эгаллаган... Қишлоқ фарзанди бўлгач, чорвага, ерга меҳри баланд. Буни қарангки, бу касби билан армияда ҳам эътибор қозонди. Ўзи масъул бўлган радиолокацион станция ёнида озгина бўш ер бор эди. Ерни очиб ўғит солиб, нўхат, райҳон, пиёз, помидор, кўкатлар экди. Албатта жанговар вазифадан холи бўлган вақтларида шунчаки эрмак учун шуғулланди. Сафдош дўсти оддий аскар Наврўз Матёқубов ҳам ёрдамлашди. Ҳосил чўғи ёмон бўлмади. Айниқса нўхат. Бундан ташқари қадрдон жамоаси теварак-атрофини ободонлаштиришда оддий аскар Ҳусановнинг ҳиссаси катта. Бу билан айтмоқчиманки, мақоламиз қаҳрамони бир ишга меҳр қўйдими уни бекаму кўст бажаришга уринади.

ҲАВО САРҲАДЛАРИДА ҲУШЁР

— Болаликдан синчковман. Радиолокацион станцияда хизмат вазифамни бошлаганда радардаги ёруғ нуқта бўлиб кўринаётган нишонларга ажабланиб қарадим. Наҳотки шулар самолёт бўлса, дея ўйладим ичимда. Ҳатто ишонқирамай, югуриб ташқарига чиқиб, осмонга қараганман. Шунда масъулиятли вазифани танлаганимни янада аниқроқ ҳис қилдим. Менинг ўрнимда жанговар дўстларимдан қайси бири бўлганида ҳам ўша воқеада аниқлик билан иш тутарди. Масалан, оддий аскарлар — Наврўз Матёқубов, Умрзоқ Азимов, Шавкат Шукуров, Анвар Боймуродов каби ўртоқларимни айтиб ўтишим мумкин. Биз бир-биримизни доимо қўллаб-қувватлаймиз. Дейлик, график бошланганда станцияни ўз вақтида ишга тушира олмай қолдик. Шунда жанговар дўстларим — операторлар ўзи масъул бўлган станция орқали менга тегишли нишонларни ҳам кузатиб, айтиб туришади. Мана, янги ўқув йилини ҳам бошладик. Мен оддий аскар Азимов билан мусобақадошман. Олган мажбуриятимни сифатли бажариш, ҳаво сарҳадларимизни муносиб ҳимоялаш йўлида бор кучимни, билимимни аямайман, — деди биз билан суҳбатда оддий аскар Ҳусанов. Дарвоқе, у устозлари — подполковник Рустам Йўлдошев, капитанлар — Абдураҳим Норқўзиев, Исмоил Тўлабоевларнинг хизматларини ҳам алоҳида таъкидлади.

Мен аскар билан суҳбатлашаётганда у масъул бўлган станцияда жанговар навбатчилик давом этаётганди. Яъни, оддий аскар Ҳусановнинг шогирди оддий аскар Даврон Зарипов жанговар вазифага киришганди.

Баҳодир билан хайрлашаётганимда тепамиздан улкан бир самолёт учиб ўтди. Посбон нигоҳлари дарҳол қўкка қадалиб, уни бир оз кузатди. Сергак, ҳушёр бу нигоҳлардаги маънони ўзимча шундай ўқдим: «Ватаннинг биздек ўғлонлари бор экан, ҳаво сарҳадларимизга қарға, зоғлар соя солишолмайди».

Капитан Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Александр МРУЧАК
олган сурат.

ОРИЕНТИРУЯСЬ НА ЛУЧШЕЕ

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

— На базе вашей школы вот уже два года проводят занятия представители вооруженных сил Великобритании. Выходит, и у нас уже есть чему поучиться?

— А как же, наши британские коллеги это всегда подчеркивают — процесс обмена опытом носит взаимный характер. Обучая наших инструкторов сержантского состава, британцы по ходу занятий и сами многому учатся у нас.

— Что заинтересовало лично вас в их системе обучения?

— У них очень хорошо поставлены занятия по выявлению и развитию качеств лидера, немало интересного в тактической подготовке. Хотя, думаю, далеко не все из предлагаемого англичанами нам необходимо копировать, а надо применять с учетом проводимых реформ в нашей армии.

— Помимо работы с иностранцами, на базе школы проводится немало сборов, показных занятий окружного масштаба. Не создает ли это проблемы в плане выполнения в полном объеме учебной программы?

— Все эти сборы и занятия проходят, как правило, в период подготовки к летнему или зимнему периоду, то есть не постоянно. Обычно в это время учебные программы бывают почти отработаны, и на качестве обучения сержантов это не сказывается.

А вот в методическом плане для преподавательского состава и инструкторов эти занятия — бесценный источник возможности проверить в деле свое мастерство. Я сам лично нередко провожу показные занятия. Чаще всего работаю по теме «Последовательность и содержание работы преподавателя по подготовке и проведению занятия». Любой командир — будь он офицер или военнослужащий по контракту — является для подчиненного личного состава преподавателем. И он должен уметь правильно и доходчиво учить их военному делу.

— Кто из вашей школы является образцом для сослуживцев?

— Из преподавателей назвал бы начальника химслужбы майора Турсункула Буриева, по связи — капитана Сирожиддина Обидова, по вооружению и стрельбе — капитана Шодибека Шорафиддинова, по артиллерии — капитана Артыкбая Розметова. А из инструкторов хотелось бы отметить танкиста сержанта Рамиля Сафиулина, связиста младшего сержанта Уткира Маматова, специалиста по горной подготовке младшего сержанта Негмата Кодирова и по рукопашному бою младшего сержанта Жасура Рашидова.

— Каковы принципы комплектования кадрами?

— Офицеров отбираем из войск, а инструкторов оставляем из своих лучших выпускников. Кстати, младший сержант Жасур Рашидов — тоже наш выпускник.

— Чем отличался последний набор от предыдущих?

— Более жестким отбором и ростом конкуренции. Среди прибывающих из войск было 2 претендента на место, а из направленных с «гражданки» отбирали одного из десяти! Конечно, представителям округа и нашим преподавателям пришлось нелегко, зато отобрали лучших из лучших. Перед началом учебы провели двухнедельные сборы, где еще глубже изучили контингент, распределили по специальностям. Словом, предприняли все возможное для избавления от случайных людей, ошибочно остановивших свой выбор на нашей профессии военного.

— Что делается в плане укрепления учебно-материальной базы?

— С помощью хокимията Самаркандского вилоята ввели в строй общежитие гостиничного типа, скоро достроят второе. Оборудованы компьютерные классы, готовится подключение к Интернету, приобрели современные спортивные тренажеры. Уже идет строительство зимнего спортзала и клуба.

— Есть ли пожелания к командному составу войсковых частей, куда идут ваши выпускники?

— Одна лишь просьба — не выпускать их из-под контроля. Здесь мы внушаем, что в войсках их ждут, а если в части он останется без внимания, то у такого человека может пропасть интерес к службе, появятся проблемы с дисциплиной. Хотелось бы, чтобы офицеры-воспитатели не оставляли их за рамками воспитательного процесса. Да, контрактник — это профессионал, но он еще и молодой человек, которого тоже надо постоянно воспитывать. А если он почувствует заботу и внимание к себе, то я уверен — любые задачи будут ему по плечу.

— Спасибо за беседу.

Взял интервью майор Аблай КАМАЛОВ, корр. «Ватанпарвара».

УЛАР ЭЛНИНГ ИШОНЧ ТОҒИДИР

Йигитнинг шаъни, қадрини чин кўнгилдан танлаган касби ҳам оширади. Касбий маҳорат, тажриба ҳам қилаётган ишингизга меҳр билан ёндошсангизгина ошиб бораверади. Бошқа касбларни камситмаган ҳолда айтишимиз мумкинки, офицерлик касблар орасида энг шарафлисидир. Бу касбни орзу қилмаган ёшлар камдан кам бўлса керак. Чунки ўзида мусаффолик, жўшқинлик, ғайрат-шижоат мужассам ёшликда шу касбга мойиллик кучли бўлади.

Қуролли Кучларимиз сафида шарафли касбини ардоқлаб келаётган, армия билан ҳаётини чамбарчас боғлаган офицерларимиз талайгина. Бундай офицерлар сирасига капитан Рустам Инамов, катта лейтенант Дилшод Эргашевларни киритиш мумкин.

Икковлон битта қисмда хизмат қиладилар. Бир йиллик фарқ билан Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртини тамомлашган. Бунинг устига икковлон битта жойда туғилиб ўсишган, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Наманган шаҳрида.

Агар билим юртидаги ўқиш даврини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, йигитлар қарийб ўн йилдан буён ҳарбий хизматда эканлар. Нима ҳам дердик, бу оз фурсат эмас.

Капитан Рустам Инамов командирлик қилаётган зенитчилар дивизиони округда энг яхшилар қаторида ҳисобланади. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Тинимсиз меҳнат, фидойилик, масъулиятни теран англай билиш офицернинг хизматини кўзга кўрсатувчи омиллардир. Капитан буни яхши билади. Шу боис олиб бораётган ишларида ютуқлар кўп бор кўзга ташланади. Ўтган ўқув йили якунларида дивизионнинг махсус тайёргарлик машқлари юқори баҳоланди.

Рустамнинг офицер бўлиб хизмат қилаётганига бир неча йил бўлаётганлигига қарамасдан, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида сабоқ олган устозларини ҳамон миннатдорчилик билан эслайди.

— Ҳарбий билим юртида

Капитан Рустам Инамов.

ўқиш ҳам унчалик осон эмас, — дейди капитан Рустам Инамов. — Аммо хизматдан кўра бирмунча енгилроқ. Чунки хизматда масъулият катта. Бу даврда кўпчиликнинг нафақат намунали хизмат қилиши учун, балки тақдирига ҳам масъул бўласан. Бундай масъулиятли дамларда устозлардан олган ўгитлар қўл келади. Улардан нафақат ҳарб илмини, шунингдек, одамлар билан ишлашни ҳам ўрганасан. Устозларимиз подполковниклар — А. Узоқов, З. Нажмиддинов, майорлар — Ш. Усмонов, А. Қамбаров, капитан Р. Юлдашевларни ҳануз катта ҳурмат ва миннатдорчилик билан эслайман.

Ҳарбий хизматда эришилган ютуқларда соғлом оиланинг ҳам ўз ўрни бўлади. Меҳр-муҳаббатга йўғрилган ўзаро оилавий муносабат офицерга қанот бағишлаши шубҳасиз. Жажжи қизалоги Озода ва турмуш ўртоғи Наргиза ҳақида гапирганда, Рустамнинг юз-кўзлари яшнаб кетди. Унинг айтишича, жажжи Озоданинг дадасини кўрганда жаранглайдиган шодон кулгуси хизмат чарчоқларини зумда тарқатиб юборади.

Биз Рустам ҳақида гапириб туриб, албатта Дилшодни ҳам унутганимиз йўқ. Навбати билан ҳикоя қилмоқчимиз, холос.

Катта лейтенант Дилшод Эргашевнинг ҳарбий жамоада ўз ўрни бор. Олти йиллик офицерлик фаолиятида ортирган маълум тажриба ва касбий маҳорат катта ҳарбий жамоада муносиб ўрин олишига замин яратди. Шаклланаётган миллий армиямизнинг фаол офицери сифатида бугунги ислоҳотларнинг туб моҳиятини яхши англайди. Ва бугунги ислоҳотлар талаби даражасида бўлишга интилади. Бу дегани ўз устида тинимсиз ишлаш ҳамда бошқаларни ҳам шунга даъват қилишдир.

Шахсий таркиб билан мулоқот жараёнида унга нисбатан ҳурмат билан ёндашишларини бир қарашдаёқ илғаб олса бўлади. Бу эса, албатта, бежизга эмас. Катта лейтенантнинг таъкидлашича, ҳар бир аскар қалбига йўл топиб, шунга яраша иш олиб бориш муваффақиятни таъминлар экан.

— Президентимиз — Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг **«Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир»** номли китобида шундай сатрлар бор, — дейди биз билан суҳбатда катта лейтенант Дилшод Эргашев. — **«Ҳарбий хизмат жараёнида ҳар бир ёш аскар билан алоҳида иш олиб боришимиз, уларни, аввало, Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темур каби жасур аждодларимизнинг муносиб ворислари, она-Ватанимизнинг ҳақиқий ҳимоячилари этиб тарбиялашимиз даркор».** Ушбу сўзлар ҳизматимда дастурилламал вазифасини ўтайди.

Катта лейтенант Дилшод Эргашев.

Қўшимча қилишга ҳожат бормикин? Армияни ҳаёти билан боғлаган йигит хизматининг мазмун-моҳиятини бу пурмаъно сўзлар орқали аниқ ва лўнда тарзда ифода қилди.

Янги ўқув йили ҳамма жойда қизғин давом этмоқда. Муваффақиятли якунланган ўқув йилидан мамнун офицерлар ютуқлардан ҳаволанмай яна астойдил, бор куч ва имкониятларини ишга солиб хизмат қилмоқдалар. Қуролли Кучларимизнинг қутлуғ 12 йиллик байрамини хизматда улкан ютуқлар билан муносиб кутиб олишга жиддий ҳозирлик кўрмоқдалар.

Касбига садоқатли, ўз ишининг фидойилари бўлган офицерларимиз капитан Рустам Инамов, катта лейтенант Дилшод Эргашевларнинг хизмат фаолиятлари билан танишиб, юрт тинчлиги, истиқлол ҳимояси ишончли қўлларда эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Машаққатли, аммо шарафли касб эгаларини ҳақли равишда улар элнинг ишонч тоғидир, деб айта оламиз.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Александр МРУЧАК
олган суратлар.

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

— Биз ўз олдимизга машғулотларда аъло кўрсаткичларга эришиб, яқинлашиб келаётган Ватан ҳимоячиларини кунини муносиб кутиб олишни асосий мақсад қилиб қўйганмиз. Шунинг учун жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда юксак марраларни забт этиш билан бирга маданий тадбирлар дастурини ҳам тайёрлаб, бу борадаги ишларимизни бошлаб юборганмиз.

Халқимизда ҳунарли киши хор бўлмас, деган нақл бор. Бўлинмамиз аъзолари орасида яхшигина қўшиқ айтадиган, соз чаладиган ва актёрлик қобилиятига эга бўлган аскарлар талайгина, — дейди суҳбат чоғида оддий аскар Илҳом Бўриев.

— Албатта, Янги йил ва Ватан ҳимоячилари кунига дастлабки туҳфаларимиз тайёр, десам, муболаға бўлмаса керак. Жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарликлардаги биринчи ютуқларимиз сўзларимнинг исботидир. Илғор аскарлар сафидан ўрин олган сафдошларим Ўтқир Муҳиддинов, Ҳусниддин Эркулов ва бошқаларнинг интилувчанликлари, қўмакдошликлари ва хушмуомала дўст эканликлари туфайли бўлинмамиз жамоаси бир оила аъзоларидек бўлиб қолишган.

Хуллас, бу ўқув йилини ҳам катта иштиёқ билан бошладик. Асосий мақсадимиз қишки мавсумда ҳам барча тайёргарликлар бўйича аъло баҳоларга сазовор бўлиш, — дея сўзини якунлади оддий аскар И. Бўриев.

Лейтенант Ҳасан МИРЗАЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● ИДЕТ БОЕВАЯ УЧЕБА

ПУТЬ К МАСТЕРСТВУ

Не так уж давно водители-механики рядовые Азимжон Холматов, Саид Хакимов и Абдувохид Боборахимов прибыли для прохождения службы в одно из лучших подразделений, где служит Темур Орипов. Воины этого подразделения на протяжении всего прошедшего учебного года на отлично обеспечивали полеты крылатых машин, качественно и в срок выполняли все учебно-боевые задачи. И это, естественно, наложило особую ответственность на молодых специалистов, заставило с первых дней службы приложить все свои силы и умение для скорейшего освоения вверенной боевой техники, личного оружия и воинской специальности военного автомобилиста. Да и сами новички оказались трудолюбивыми и старательными воинами.

Благодаря тому, что вышеперечисленные воины по всем воинским дисциплинам проявляют любознательность и старание, учатся у опытных сослуживцев, к ним пришли первые успехи. Они на семинарах по общественно-политической подготовке, тактических занятиях получают высокие оценки.

Ратными успехами рядовые Холматов, Хакимов и Боборахимов уже заслужили авторитет у командиров и сослуживцев, что позволило редактору стенгазеты написать о них хороший материал в стенной печати подразделения.

Водители-механики рядовые А. Холматов, С. Хакимов и А. Боборахимов готовятся ознаменовать 12-ю годовщину Вооруженных Сил и Дня защитников Родины новыми успехами в боевой и общественно-политической подготовке. Они полны решимости выполнить повышенные обязательства, пойти дальше в совершенствовании боевого мастерства.

— До того времени, когда нас будут называть отличниками боевой и общественно-политической подготовки, еще далековато, — говорит рядовой А. Холматов. — Но мы приложим максимум усилий и проявим старательность в боевой учебе, чтобы быть в числе правофланговых.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.

Военно-политические новости

ТОЧНАЯ ДАТА — ?

Правительство Японии одобрило постановление об отправке в Ирак для участия в операциях по послевоенному восстановлению дополнительных подразделений национальной армии. Приказ о начале подготовки к выдвижению в район Персидского залива получили служащие военно-воздушных сил страны. Министр обороны Шигеру Ишиба приказал специальному подразделению ВВС, в состав которого входят около 30 военнослужащих, отправиться в Кувейт 26 декабря или позже. «Точная дата отправки не придается огласке из соображений безопасности. Точная численность отправляемого контингента также называться не будет», — заявил представитель японского оборонного ведомства.

ДОППРОТОКОЛ ПОДПИСАН

Иран подписал дополнительный протокол к договору о нераспространении ядерного оружия (ДНЯО). Подписание состоялось в Вене в здании Международного агентства по атомной энергии (МАГАТЭ). Со стороны Ирана доппротокол к ДНЯО подписал представитель Ирана в МАГАТЭ Али Акбар Салехи, а со стороны МАГАТЭ — его генеральный директор Мохамед аль-Барадей...

ПРИГОВОРЕН К 23 ГОДАМ

Командующий охраной тюрьмы в Боснии в Международном трибунале по бывшей Югославии был приговорен к 23 годам лишения свободы за убийство и избиение заключенных мусульман во время боснийской войны. Драган Николич, бывший командующий лагеря Сусицы в восточной Боснии, в сентябре признал себя виновным в гонениях, убийствах, пытках и том, что разрешал охранникам и солдатам насиловать женщин в 1992 году.

«ИДЕТ ВРАЗРЕЗ...»

Заключенные на американской базе в Гуантанамо должны иметь доступ к адвокатам и американской судебной системе, постановил Федеральный апелляционный суд США. По мнению суда, их заключение «идет вразрез с американскими принципами». Тем самым суд лишил власти США возможности держать этих заключенных под арестом неопределенное время без предъявления обвинения и суда. В настоящее время в Гуантанамо находится около 660 заключенных, подозреваемых в причастности к «Аль-Каиде» или движению «Талибан».

«МЫ МОЖЕМ ПОТЕРЯТЬ...»

Страны — члены ООН должны отправить в Афганистан дополнительные войска, иначе миротворческая миссия там может потерпеть крах. Об этом заявил генеральный секретарь ООН Кофи Аннан на пресс-конференции, отметив, что, если ситуация в сфере безопасности не улучшится, «мы можем потерять Афганистан».

ПОД ЭГИДОЙ ООН

Эритрея и Эфиопия согласились объединить правительственные комиссии под эгидой ООН для выработки взаимоприемлемого решения по демаркации границ двух государств. Ранее демаркация была отложена на неопределенный срок, после того как представители Эфиопии оспорили принадлежность города Бадме. В 1998—2000 годах более 70 тыс. человек были убиты с обеих сторон в войне за этот населенный пункт.

(По страницам Интернета).

ОМАДЛИ ИНСОН

Ҳар қандай соҳани эгаллаш, ўз ишининг устаси бўлиш кишида матонат, сабр-тоқат ҳамда ўша касбга қизиқиш каби омиллар оқибатида юзага келади. Касб танлашда адашмаслик учун эса инсон аввало ўз имкониятларини, яъни муайян йўналишга бўлган иқтидорини, кучи ва билимини тўғри, холисона баҳолай олиши зарур. Бунда эса, табиийки, қандай оилада тарбия топишнинг, қоларверса ташқи муҳитнинг ҳам таъсири кучли. Шундай экан, ҳар қандай шароитда ҳам мавжуд тўсқинлик ва қаршиликларни енгиб, ўзининг севимли машғулотлари билан шуғулланувчи, танлаган касбида фаолият кўрсатувчи инсонларга ҳавас қилса арзийди.

— Мен ўзимни омадли инсон деб ҳисоблайман, — дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Чори Мўминов. — Чунки ёшлик дамларининг беғубор орзулари, кейинчалик қўйилган қатъий мақсадлар амалга ошмоқда. Болалигимда ҳарбийларга ўзгача ҳавас ва ҳурмат билан қарар эдим. Ҳозирда қаранг-ки, улар билан ҳамкасбман. Бироқ ўша туйғулар мени ҳанузгача тарк этгани йўқ. Уларга яна фахр ва катта масъулият ҳислари қўшилди. Ишонаманки, ҳар бир Ватан ҳимоячиси менинг фикримга қўшилади.

Асли Сурхондарёнинг Шўрчи туманидан бўлмиш Ч. Мўминов олти фарзандли катта оиланинг кенжаси. Муддатли ҳарбий хизматни Самарқандда ўтаган. 2001 йилдан бери подполковник С. Мўйдинов командирлик қилаётган қисмда хизмат қилмоқда. Ҳозирда алоқа бўлинмаси бошлиги вазифасида.

— Менинг бош ва асосий вазифам узлуксиз ва мустаҳкам алоқани таъминлаб бериш, — дейди кичик сержант Ч. Мўминов. — Бунинг учун эса ўз навбатида алоқа воситаларининг созлиги ҳамда алоқа каналларининг сифати доимий тарзда назорат қилиб борилади. Минг қилса ҳам техника техника-да. Юз фоиз кафолат бериб бўлмайди. Носозлик учрагудек бўлса, алоқа бўлинмаси механиги уни тезда бартараф этади.

Келажакдаги мақсадим, ўз соҳамнинг сир-асрорларини янада чуқурроқ ва яхшироқ ўрганиш, ислоҳ этилаётган Қуролли Кучларимиз профессионаллари сафларида юртимиз ҳимоясига муносиб ҳисса қўшишдир.

Кичик сержантнинг хизматларига ривож тилаган ҳолда у бошлиқ алоқачилар жамоаси катта байрам — Қуролли Кучларимизнинг 12 йиллик тўйини улкан ютуқлар билан кутиб олишларига ишонамиз.

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ОТЛИЧНАЯ СТРЕЛЬБА

Полным ходом идет зимняя боевая учеба в подразделении, где служит младший сержант Алишер Норов. Недавно личный состав взвода побывал на стрельбище, где выполнял первые в этом учебном году стрельбы из стрелкового оружия.

Первым на огневой рубеж вышел командир секции младший сержант А. Норов. Звучит команда «Огонь». Короткая очередь — цель поражена. Как только появилась вторая мишень, воин еще раз продемонстрировал свое мастерство, поразив ее первой очередью!

— Старательный, добросовестный. Все приказы командиров и начальников выполняет точно и в срок. Вверенным оружием и техникой владеет в совершенстве. Умело и грамотно управляет своими подчиненными, — так охарактеризовал младшего сержанта командир взвода старший лейтенант И. Уринов.

Что же, приятно услышать такую характеристику из уст командира, а тем более что такого же мнения об Алишере и его сослуживцы, которые отзываются о нем не только как об опытном младшем командире, грамотном специалисте, но и высоко ценят присущие ему человеческие качества. За время службы Алишер приобрел очень много друзей. Это младшие сержанты Б. Омонов, А. Расулов, Х. Юлдашев, рядовые Б. Зафаров, К. Сильченко, А. Дадабаев и другие. Понятия «крепкая дружба» и «войсковое товарищество» для него не пустые слова.

Сослуживцы, и особенно те, кто призван этой осенью, пристально следили за каждым движением младшего сержанта А. Норова. Ведь для многих из них эта учебная стрельба — первая в их жизни. И недаром основа обучения подчиненных у этого командира секции строится на личном примере. Словом и делом помогает своим товарищам по оружию младший сержант А. Норов. Во многом благодаря его труду в этот день солдаты и сержанты подразделения с честью выдержали экзамен, получив первые отличные оценки. Среди тех, кто показал высокую точность огня, были младшие сержанты А. Расулов, Б. Исомиддинов, рядовые А. Иномходжаев, Б. Бурибеков, Б. Латипов. Получил отличную оценку и новичок рядовой Б. Очилов, недавно призванный из Сырдарьинского вилоята.

Идя навстречу Дню защитников Родины, личный состав этого подразделения прилагает все силы для совершенствования своего ратного мастерства.

Лейтенант Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

● ОММАВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАДБИРЛАРИ ОЙЛИГИДА

ФАОЛЛИК—ВАТАНПАРВАРЛИКДАН

Ҳар йили Ватан ҳимоячилари куни олдидан ўтказиладиган мазкур ойлик анъанага айланиб қолганини яхши биламиз. Хўш, айни пайтда давом этаётган оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлиги ўтган йиллардагидан нимаси билан фарқ қилади? Аввало шуни таъкидлашимиз лозимки, бу сафарги ойликнинг режаларида мафкуравий, маънавий маърифий йўналишдаги тадбирларга кўпроқ эътибор қаратилган. Бу бежиз эмас, албатта. Маълумки, ойликни ўтказишдан мақсад ёш авлодда Ватанга бўлган муҳаббат, садоқат туйғуларини янада шакллантириш, бўлғуси юрт ҳимоячиларини Қуролли Кучларимиз сафларига тайёрлаш, уларда армиямизга нисбатан қизиқишни ошириш кабилардир. Ушбу мақсадлар самара бериши учун асосан юқорида айтилган йўналишларга эътибор бермоқ керакда. Келинг, шу ўринда ўтказилиши кўзда тутилаётган айрим тадбирлар режасига назар солсак.

Энг аввало Президентимиз Ислом Каримовнинг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» китоби асосида мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув муассасаларида олий ва махсус ўқув юртлари, лицей, коллеж, умумтаълим мактабларида маърузалар, суҳбатлар ўтказиш режалаштирилган. Қолаверса, ушбу ўқув муассасаларида Қуролли Кучлар ҳаёти тўғрисида кўргазмали бурчаклар ташкил этилади.

Қисм ва бўлинмаларда «Мардлар қўриқлайди, Ватанни», «Куч — адолатда», «Сафдошингни ҳурмат қил» мавзуларида, маҳаллаларда эса «Ўз уйимизни ўзимиз асрайлик», «Тинчлик ва осойишталик учун курашмоқ керак» мавзуларида маърузалар, давра суҳбатлари ўтказилиши кўзда тутилган.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, хусусан, болалар спортини шакллантиришга катта эътибор бериб келинмоқда. Ойликнинг тадбирлар режасига мувофиқ ёшларимиз ўртасида спортнинг миллий, техник, амалий турлари бўйича мусобақалар ўтказилишини бу ўринда таъкидлаш мумкин. Шунингдек, анъанавий «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларининг 2001 йилги дастури ишлаб чиқилиши, унинг дастлабки босқичи ҳам ойлик доирасида бўлиб ўтади.

Давлат, жамоат ташкилотлари, элимизнинг таниқли санъаткору ижодкорларидан ибрат тарғибот-ташвиқот гуруҳининг Ватан ҳимоячилари ҳузурида бўлиши, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиши эса ҳарбийларимизга байрамона кайфият улашади.

«Ватанпарвар» — мардлар мактаби» фильми намойиш этилиши, «Шонли Ватан тарихи» музейига ташриф буюриш, «Жасорат» дарсларини ўтиш, халқаро террорчиларга қарши курашда мардларча ҳалок бўлган ўғлонларимиз хотирасини ёдга олиш кабилар ҳам режаларда акс этган.

Қисқача назар ташлаганимиз — тегишли давлат, жамоат ташкилотлари марказий бошқаруви томонидан ҳамкорликда тайёрланган умумий режалар. Жойларда эса мазкур режалардан келиб чиқиб, тадбирлар янада бойитилади.

Ҳар биримиз шу Ватанга тегишли эканлигимизни, ер, сув, она замин биз учун муқаддаслигини, буларни асраш фарзандлик бурчимиз эканлигини доимо ҳис қилиб яшамоғимиз даркор. Ойлик давомидаги тадбирларда фаол бўлишимизнинг ўзи ҳам аслида ватанпарварликдир.

Капитан Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

Илм-фан тараққиёти фидойилари

Ер юзида инсоният пайдо бўлибдики, минглаб йиллар оша юксакликка интилиб яшаб келган. Инсон табиати шундай, бутун умри давомида иккита асосий эҳтиёжи бўлади. Биринчиси, моддий эҳтиёж ҳисобланиб, у муайян даражада чегараланган. Маънавий чанқоқликнинг эса чегараси йўқ. Шулардан бири илм-фанга бўлган муҳаббатдир. Алломаларимиз ибораси билан айтганда, «Одамдан юқори тураркан олам, билим оширмоққа муҳтождир одам». Жамиятимиз тараққиётининг бош омилларидан бири илм-фан ва маърифатдир. Қадимий даврларда ўлкамизнинг қудрати, кучи ҳам буюк алломаларимизнинг ижод фаолияти билан боғлиқ бўлган. Ўзбек фанининг бугунги тантаналари, айниқса, Фанлар Академиясининг бундан 60 йил муқаддам ташкил этилиши тарихимизда муҳим воқеа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари марказий музейи ҳар бир тарихий сана, байрамларга бағишлаб турли тадбир ва кўргазмалар ўтказиши анъанага айланган. Шундай тадбирлардан бири иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, илм-маърифат йўлида фидойилик кўрсатган элимизнинг машҳур академикларига бағишланган махсус экспозициянинг очилишидир.

Ҳарбий хизматчиларимиз нафақат минтақага, балки бутун жаҳонга таниқли академик олимлар, бир қатор давлат мукофотлари совриндорлари, кўплаб фан докторлари ва номзодларини тайёрлаган, бутун умри давомида ҳар томонлама барчамизга ўрнак бўладиган биохимик ва эндокринолог олим, истеъфодаги тиббиёт хизмати майори Елқин Тўрақулов, машҳур адабиётшунос олим, истеъфодаги сержант Матёқуб Қўшчонов, кибернетика ривожига катта ҳисса қўшган, алоқачи-разведкачи истеъфодаги оддий аскар Восил Қобулов, таниқли ҳуқуқшунос олим истеъфодаги катта лейтенант Ҳожиакбар Раҳмонқуловлар билан мулоқотда бўлдилар. «Фашизмга қарши курашган фан ва маданият арбоблари» экспозициясида юқорида қайд этилган фидойи инсонлар ҳаёт йўлининг кўпчилигимизга мавҳум бўлган қисми ёритилган. Е. Тўрақуловнинг урушнинг биринчи кунлариданоқ номзодлик диссертациясини ёқлаб, сандивизионнинг бош шифокори вазифасида хизмат қилиши, М. Қўшчоновнинг фашистларнинг додини берганлиги командири томонидан қайд этилган «Мерганлик китобча»сида акс этиши, В. Қобуловнинг абжир алоқачи-разведкачилигини тасдиқловчи ҳужжатлар, Ҳ. Раҳмонқуловнинг сафдошлари томонга ярадор ҳолда судралиб бориб, яна жанговар сафга туриши... Шу билан бирга уларнинг жанговар мукофотлари, ўқув адабиётлари ва ҳоказолар экспозициядан жой олган.

Интеллектуал салоҳияти юксак бундай илм-фан фидойилари тўғрисида қанча гапирсак, улугласак ҳам оз. Улар бугунги кунда ҳам мустақил Ўзбекистонимиз равнақи, илм-фани тараққиёти йўлида хизмат қилиб келмоқдалар. Демак, улар ҳали ҳам жанговар сафда.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг 60 йиллик тўйи арафасида бу азиз инсонларни, шу билан бирга, барча илм-фан ва маърифат йўлида хизмат қилаётган олимларимизни қутлаб қоламиз.

Дилором РАҲИМОВА,
Қуролли Кучлар Марказий музейи илмий ходими.

Фан ва техника янгиликлари

ТЕРЛАШДАН ХАЛОС БЎЛИШДИ

Бразилиялик олимлар ғаройиб ҳапдорини кашф этишди. Уни истеъмол қилган бемор бир умрга терлашдек ноҳушликдан қутулади.

Бундан ташқари Федерал университети мутахассислари ҳам ўн ой давомида терлашга қарши ҳар томонлама самарали восита яратиш мақсадида обдон уринишди. Натижада ноёб кашфиётга эришилди.

Ушбу хушбўй дезодорантлар яқинда савдога ҳам чиқарилади. Ундан уч бора фойдаланилса бас, 24 соат ичида ёқимли ҳидларни ҳис этиб юриш мумкин.

УНУТИЛГАН САЙЁРА

Пенсильвания университетида илмий иш олиб борувчи астрофизиклар гуруҳи «Хаббл» орбитал телескопи ёрдамида яна бир сайёрани топишди. Тахминларга кўра, у бугун маълум ва машҳур бўлган сайёраларнинг энг қаттасидан ҳам салкам уч баравар катта. Ушбу кашфиёт шу пайтгача мавжуд бўлган сайёралар тузилиши ҳақидаги қарашларни қайта кўриб чиқилишини талаб этиб, коинотнинг қайсидир кенгликларида ҳаёт мавжуд деган ғояларни ёқлайди.

Сайёра Мафусаил деб номланиб, Юпитердан икки ярим марта оғирроқ ва юлдузлар туркуми атрофида айланиб туради. Бу туркум тахминан 13 миллиард йил илгари таркиб топган (Катта портлашдан тахминан миллиард йил ўтгач). Шунга кўра, Мафусаил сайёраси ҳам шунча ёшда деб тахмин қилинмоқда. Мисол учун, Қуёш туркуми аъзолари бор-йўғи 4,5 миллиард ёшда. Бошқа юлдузлар атрофида айланиб турган юзлаб сайёралар ҳам маълум ёшга эга.

ҚАЙСИСИ ШИРИН?

Ердаги энг қадимий сув ҳайвонларидан бири бўлган наҳанг (акула)ларни ўрганган етакчи ихтиолог олимлар улар одам гўштини хуш кўрмаслигини аниқлашди.

Агар танлаш имкони берилса, наҳанг одамдан кўра семиз, ёғли ҳамда юнгдор денгиз мушуги гўштини хуш кўриб еган бўларди, деб таъкидлайди доктор Питер Климли. У сўзининг исботи сифатида бир неча мисолни келтиради. Шундай воқеалардан бири яқинда Калифорния қирғоқларида содир бўлди. Дебора Франзмон бир гуруҳ денгиз мушуклари ёнида сузаётганида унинг оёғига узунлиги 6 метр бўлган оқ наҳанг ҳужум қилади. Пиртқич сузувчи аёлни бир неча метргача тортиб бориб, сўнг уни қўйиб юборгач, мушукчаларни таъқиб этишда давом этади.

Ўттиз йилдан бери наҳангларни ўрганаётган доктор Климли одамлар буткул тасодифий равишда йиртқичлар домига тушиб қолгани бўйича 350 дан зиёд воқеанинг шоҳиди бўлган. Натижада у наҳангларнинг ўзини тутиши, ов қилиш услуби ва қизиқишлари ҳақида бой илмий манба тўплашга муваффақ бўлган.

УЙ ҲАЙВОНЛАРИ ҚАЕРДА КЎП?

Сайёрамиз аҳолиси ҳаммаси бўлиб 500 миллион уй ҳайвонига эга. Унинг 40 фоизи АҚШдагилар ҳиссасига тўғри келади. Иккинчи ўринда, асосан, мушук ва итлар бўйича Буюк Британиядагилар бормоқда. «Нэшнл жиогрэфик» журнали хабарига кўра, «Франция балиқлар бўйича пешқадамлик қилаётир. Улар мамлакатда 21 миллионтани ташкил этади. Бу Франциядаги мушук ва итлар сонидан кўпдир».

ИЧ КИЙИМНИНГ ФОЙДАСИ

Тиббий компаниялардан бирида шундай ускуна яратилдики, бу нарса фақат ич кийимга ўрнатилиб, инсонга умуман халал бермаган ҳолда доимий равишда юрак фаолиятини текшириб туради, ҳатто махсус кардиограмма ўтказиб, натижани тегишли компьютерларга етказиб бера олади. Аммо ускуна кўзга кўринмайди ва энг асосийси, кийим эгасига зиён етказмайди. Бу ҳам ҳеч нарса эмас. Агар уни сотиб олиб кийимига жойлаштирган мижоз кутилмаганда касалланиб қолса, ускунанинг ўзи «тез ёрдам»га мурожаат қилади.

(Матбуот материаллари асосида тайёрланди).

Тайёргарлик даражаси юксак бўлсин деб

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу қисм штабига кирган заҳоти «Енгин хавфсизлиги ойлиги» давом этаётганлиги ҳақидаги эълон, ёнғин рўй берганда шахсий таркибнинг ҳаракатланиш чизмаси, ҳатто, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича йўриқномаларга кўзимиз тушди.

Қисм бўйича навбатчи капитан Дилмурод Ҳимматов, қисм штаби бошлиғи вазифасини вақтинча бажараётган катта лейтенант Отабек Рисполаев бизни кутиб олишди. Айни пешин — дам олиш вақти бўлишига қарамасдан бир зумда қисм командири подполковник Александр Синотов ҳам етиб келди.

Биргаликда қисм ўт ўчириш гуруҳи биносига яқинлашар эканмиз, бу ерда енгил таъмирлаш, бўёқ ишлари амалга оширилганига гувоҳ бўлдик. Ўт ўчириш воситалари илиб қўйилган махсус тахта, сув ҳавзаси, гидрант, ёнғиндан огоҳлантириш мосламаси шундай кўз олдида экан.

Қисм командири ўт ўчириш расчёти бошлиғи шартнома бўйича хизмат сержанти Виктор Романов, гуруҳ бошлиғи оддий аскар Ҳасан Бозоровларнинг намунали хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтади. Бино ичидаги саранжом-саришталик, ўт ўчириш машинаси техник ҳолати, қатор тахланиб турган махсус кийим-бошлар, сурат-кўргазмалар, махсус тайёргарлик бўйича нормативлар акс эттирилган стендлар мақтов асосли эканлигига яққол мисол эди. Навбатчи хонаси, ўт ўчириш воситалари намуналари, плакатлар билан тўла махсус тайёргарлик синфхонаси ҳам барчага бирдек манзур бўлди.

— Мудофаа вазирининг, қўмондоннинг махсус буйруқлари асосида кўплаб тадбирлар ижро этилмоқда, — дея давом этди қисм командири. — Белгиланган режа бўйича барча ҳарбий хизматчилар билан назарий ва амалий машғулотлар ўтказилмоқда. Омборлар, бинолар ёғоч қисмларига қимёвий ишлов берилди. Бирламчи ўт ўчириш воситаларини бутлаш, тартибга келтириш ишлари ҳам тезкорлик билан амалга оширилди. Қўмондонлик масъул ходими майор Баҳодир Ғаниев моддий-техника таъминоти масалаларида бизга яқиндан ёрдам бермоқда.

Қисм омборхоналари, жанговар техникалар жойлашган ҳудуддаги ҳолатни кўздан кечириш учун назорат-ўтиш жойига келамиз. Дарвозада тегишли ўт ўчириш воситалари бўлмаган машиналарнинг ҳудудга кириши таъқиқланади, деган ёзув катта қилиб ёзилган. Яна огоҳлантирувчи белгилар ҳам бор.

Чап томондаги эшикдан ичкарига кирар эканмиз, навбатчи — оддий аскар Афзал Бадриддинов дарҳол ўзини таништириб сигарет, гугурт, ўтолдиргич билан ичкарига кириш мумкин эмас, дея огоҳлантиради. Чўнтакдан чиқарилган нарсаларни эса махсус шкафчага қўяди.

Нейтрал ҳудудан ўтган заҳотимиз ёнғинга қарши воситалар жойлаштирилган пунктга дуч келдик. Ҳар бир омбор деворида «Чекилмасин» деган ёзув, унинг ёнида эса ёнғинга қарши воситалар, махсус чизмалар, қиш мавсумига мослаб қоп-қоқлар билан беркитилган, ёғоч қипиқлари билан совуқдан муҳофаза қилинган сув ҳавзалари, гидрантлар. Ҳар бирининг ёнида тегишли изоҳлар ёзилган кўрсаткич. Уларни ўқиган одам омборгача неча метрлигини, сув ҳавзасида неча куб метр сув борлигини, кейинги ҳавзагача масофа қанча эканлигини тезда билиб олиши мумкин. Бу ерда ҳатто ёнғин қайтарувчи махсус мосламалар ҳам ўрнатилган экан. Буларни кўриб штаб биносидаги ёзув ва эълонлар номига илиб қўйилмаганмикан, деган гумонга борганимдан тўғриси, уялиб кетдим. Шундай бўлса-да қисм командирига савол бераман:

— Камчиликлар ҳам борми, ўртоқ подполковник?

— Бор, аммо тезда бартараф этилади. Мана, кўриб турибсиз, ўт ўчирувчилар машқ қиладиган тўрт қаватли ўқув минорасини таъмирлаш керак. Яқин кунларда бунинг ҳам уддасидан чиқамиз, деб ўйлайман. Ушбу йўналишдаги келгуси режаларга келсак, «Енгин хавфсизлиги ойлиги» давомидаги тайёргарлик даражасини сусайтирмаслик. Бу ҳар биримиздан алоҳида жонбозликни талаб этади...

Хулоса қилиб айтганда, рейд давомида қисмларда ёнғинга қарши кураш ходимлари тайёргарлиги сифатини ошириш, хавфсизликни таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилаётганига, халқ мулкини, ҳарбий мулкни авайлаб-асраш ҳар кимдан алоҳида фидойилик, куюнчаклик талаб этишига яна бир бор амин бўлдик.

Майор Азимбек УСМОНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Уни марказий кенгаш раиси А. Абдуқаҳҳоров бошқарди.

Юртимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлашга қодир Қуролли Кучларни барпо этиш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган ишларга «Ватанпарвар» ташкилоти ҳам ўз улушини қўшмоқда. Ташкилот ўқув муассасаларида таҳсил кўрган ўғлонлар ҳарбий хизматда сафдошларига ўрнак бўлаётгани қайд қилинди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» рисоласи асосида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб «Оммавий-ватанпарварлик тадбирлари ойлиги» дастурининг ўтказилаётгани ташкилотнинг янги мавсумдаги энг муҳим тадбирларидан бирига айланди.

Пленумда «Ватанпарвар» фаолиятини бундан буён ҳам такомиллаштириб бориш, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси билан боғлиқ ишлар савиясини янги поғонага кўтаришда давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлигига эътибор қаратилди, келгуси вазифалар белгилаб олинди.

(ЎзА).

«ОЛТИН ТЕРИ»НИНГ ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАРИ

«Навоийсавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Олтин тери» кичик корхонаси жунни қайта ишлашга ихтисослашган. Яқинда бу ерга Германиянинг «Флайснер» фирмасидан замонавий асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилди. Бу технология ёрдамида йилига 5 минг тонна жунни қайта ишлаш мумкин. Бир тонна ҳомашёни тайёр ҳолга келтириш учун бир соат кифоя. Эндиликда бу ишни бор-йўғи олти киши компьютер ёрдамида уддалайди.

Корхона маҳсулотларига дастлаб Хива ва Косонсой гилам тўқувчилари харидор бўлган эди. Кейинги пайтда Россия ва бошқа ҳамдўстлик давлатларидан ҳам буюртма туша бошлади. Йил давомида уларга 10 минг тоннадан зиёд ҳомашё экспорт қилинди.

Е. УМАР,
ЎзА мухбири.

УЗБЕК УНИ ХОРИЖГА

Бу йил мамлакатимизда олти миллион тоннага яқин ғалла етиштирилди. Бу хорижга ун ҳам экспорт қилиш имконини бермоқда.

Шўрчи туманидаги дон маҳсулотлари акциядорлик жамияти қўшни Афғонистон ва Тожикистонга ун етказиб берянти. Шу йилнинг май ойидан буён Афғонистонга 22 минг, Тожикистонга 6,5 минг тоннага яқин биринчи навли ун жўнатилди.

Шунингдек, вилоятнинг Жарқўрғон туманидаги «Алпомиш» Ўзбекистон—Туркия қўшма корхонаси ҳам қўшни мамлакатларга ун чиқара бошлади.

Ч. ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

● ФАРМОН ВА ИЖРО

ИНСОНПАРВАРЛИК

Маълумки, 2003 йил 1 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонни имзолаган эди.

Ушбу Фармонга мувофиқ биринчи марта содир этган жиноятчи учун жазо ўтаётган аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, Фармон кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар, 60 ёшга тўлган эркаклар, оғир хасталикка чалинган шахслар, чет эл фуқаролари, ўта оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинганлар жазодан озод қилинсин, дейилган эди. Шунингдек, эҳтиётсизлиги орқасида жиноят содир этганлар ҳамда биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, агар улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар жазодан озод этилсин, дея инсонпарварлик тамойилига амал қилинган эди.

Бундан ташқари Фармонда жиноят содир этганларга уларнинг жиноятларининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб бошқа бир қанча енгилликлар бериш ҳам назарда тутилган.

Яқинда подполковник Баҳодир Қодиров командирлик қилаётган интизомий қисмда мазкур фармоннинг ижросига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси ва Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокуратураси ходимлари ва жазони ўтаётганлар билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувни Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокурори адлия майори А. Юсупов очиб, йиғилганларга Амнистия тўғрисидаги Фармоннинг аҳамияти борасида гапириб берди. Республика ҳарбий прокуратураси бўлим прокурори адлия капитани Ш. Ўринов Фармоннинг инсонпарварлик тамойиллари хусусида гапириб берди.

Шундан сўнг адлия майори А. Юсупов мазкур Фармонга биноан жазони ўташдан озод қилинганларнинг рўйхатини эълон қилди.

Оддий аскар Шерзод Очилов ўз хизмат бурчини ўтаб юртга пайтида жиноят содир этган. У суд ҳукмига кўра, интизомий қисмда жазони ўтаётган эди.

— Қонунни бузиб, жазога тортилдим, — дея сўз бошлади у биз билан суҳбатда.— Бундан жуда пушаймонман.

Мана бугун Президентимизнинг Амнистия тўғрисидаги Фармонларига мувофиқ жазони ўташдан озод этилдим. Бундан бошим осмонда, беҳад хурсандман. Бундан сўнг бор кучим, ғайратимни Ватанимизга, халқимизга фойдаси тегадиган ишга сарфлайман.

— Ўйламай қилинган иш оғир оқибатларга олиб келишини жуда яхши англаб етдим, — дейди интизомий қисмда жазо ўтаётган оддий аскар Эркин Холбоев, — сафдошларим олдида мулзам бўлдим, ота-онамнинг юзини ерга қаратдим. Бундан жуда, жуда афсусдаман.

Ҳозиргина озодликка чиқарилишимни эшитиб, севиниб кетдим. Бизга бундай яхшиликни раво кўрган Юртбошимизга мингдан минг раҳмат айтаман.

Хулоса шуки, амнистия тўғрисидаги жазони ўташдан озод бўлганларнинг барчаси беҳад мамнун.

Адлия майори
Суюн ЧОРИЕВ.

„МЕНЯ ОЧАРОВАЛА БУХАРА“

Так сказал в интервью корреспонденту ИА «Жахон» Чрезвычайный и Полномочный Посол Швеции в Российской Федерации, являющийся по совместительству послом в Республике Узбекистан Свен Хирдман.

Свен Хирдман. Родился 28 сентября 1939 года. Закончил Уппсальский университет. Имеет звание магистра политических наук и бакалавра. Карьерный дипломат. Последние два года является дуайеном дипломатического корпуса в Москве.

Владеет русским, английским, французским и немецким языками.

— Господин Хирдман, не могли бы вы немного рассказать о себе?

— Я поступил на работу в МИД Швеции в 1963 году. За время дипломатической карьеры работал в ряде стран мира — России, Англии, Китае, Израиле, Кипре, Польше. А сегодня являюсь послом Швеции по совместительству сразу в 9 странах. При этом в Москве я работаю в этом качестве вот уже 10 лет. Срок, в общем-то, очень необычный для должности посла.

Каждая из стран, в которых мне пришлось поработать, интересна по-своему. Например, я работал в Пекине в период так называемой «культурной революции».

С августа 1994 года приступил к работе в качестве посла Швеции в Российской Федерации, а несколько позже был назначен по совместительству в Белоруссию, Грузию, Армению, Узбекистан и другие центрально-азиатские страны.

— Вы неоднократно бывали в Узбекистане. Какие впечатления у вас оставили эти поездки?

— Впервые я приехал в вашу страну еще в далеком 1965 году. Она произвела на меня незабываемое впечатление. Особенно очаровала меня Бухара своими неповторимыми древними архитектурными памятниками, необычной атмосферой, присущей только этому городу.

В 1995 году я вручил верительные грамоты Президенту Республики Узбекистан Исламу Каримову в качестве Чрезвычайного и Полномочного Посла Швеции в Республике Узбекистан. Президент Ислам Каримов— очень интересная личность, поразившая меня своим богатейшим кругозором и нестандартностью мышления.

Говоря об Узбекистане в целом, хотел бы отметить ту большую роль, которую играет ваша страна в Центральноазиатском регионе.

Исключительно важна позиция вашей страны при подходе к целому ряду важнейших международных проблем, в частности, по вопросу Афганистана.

В последние годы страна столкнулась с проблемой высыхания Аральского моря. В 1998 году я побывал на Арале и был потрясен увиденным. О трагедии Арала я поставил в известность тогдашнего нашего министра по охране окружающей среды.

Кстати, в ходе поездки мне удалось объехать на машине большую часть Узбекистана. Несомненно, что Республика Узбекистан — самая интересная из всех стран Центральной Азии. Здесь расположена древнейшая цивилизация, потомки которой могут с гордостью произносить имена своих великих предков — Амира Темура, Улугбека и многих других.



Ваши древнейшие города — Самарканд, Бухара, Хива — прекрасные исторические объекты для развития международного туризма. Я думаю, что здесь для Узбекистана имеется огромный потенциал, и мне хочется, чтобы как можно больше туристов было и из моей Швеции. Со своей стороны я прилагаю много усилий для того, чтобы шведские туроператоры пропагандировали туризм в Узбекистан. Для увеличения числа туристов предстоит еще много сделать, в частности, создать новые туристические маршруты, развить туристическую инфраструктуру, открыть новые авиарейсы.

— А что вы могли бы сказать об уровне узбекско-шведских отношений в целом?

— Прежде всего хотел бы отметить, что Республика Узбекистан является нашим важным партнером для интеграции в регионе.

В разные годы в Узбекистан были организованы визиты высокопоставленных представителей нашей страны. Так, в прошлом году вашу страну посетил нынешний исполняющий обязанности министра иностранных дел Швеции Ян Карлссон.

Сегодня в Узбекистане успешно работает ряд крупных шведских компаний, такие, как «Эриксон», «Вольво», «Тетрапак», «Атлас Копко», «АББ» и другие.

В мае 2001 года в Ташкенте было открыто Почетное Консульство Швеции, почетным консулом стал господин Гюнтер Бегеман, являющийся генеральным менеджером компании «Эриксон».

В настоящее время в Узбекистане значительно улучшилась экономическая ситуация. Несомненно, что подписание Республикой Узбекистан VIII статьи с МВФ явится важным толчком на пути дальнейшего стабильного экономического развития вашей страны, ее интеграции в мировое экономическое пространство.

Я уверен, что глобализация неизбежна, и данный шаг узбекского руководства окажет важное воздействие для стимулирования привлечения зарубежных инвестиций.

В заключение следует отметить, что между нашими странами подписано Межправительственное соглашение о поощрении и взаимной защите инвестиций. На очереди стоит подготовка таких важных документов, как соглашение об избежании двойного налогообложения, о дорожном транспорте, открытии новых авиалиний.

Музаффар ЗАХИДОВ,
ИА «Жахон».

Готовимся творчески

В части, где служит старший лейтенант Шомаксуд Шомурадов, к предстоящей традиционной встрече Нового года идет тщательная и творческая подготовка. Разработан план проведения праздника, где много увлекательных викторин, конкурсов, различных спортивных состязаний и, конечно же, новогодняя елка в клубе.

Председатель профсоюзного комитета служащая Вооруженных Сил Нодира Бекмуродова поделилась намеченными планами:

— Знаете, как говорится в народе: «Как Новый год встретишь, таким он и будет». Вот поэтому мы и стремимся провести праздник так, чтобы он запомнился яркими впечатлениями и был по-новому необычен.

Праздничные мероприятия охватят всех без исключения. Наших офицеров, военнослужащих по контракту, служащих части, личный состав срочной службы ждет немало сюрпризов.

Хочу так же отметить, что праздник этот семейный, и поэтому в нем будут принимать участие дети военнослужащих.

Для малышей наших защитников Родины организована насыщенная программа. В Театре имени Алишера Навои их будут ждать Дедушка Мороз и прекрасная Снегурочка и, конечно же, новогодние подарки.

Учитывая специфику военной службы, Дед Мороз и Снегурочка обязательно посетят и военнослужащих, которые в день празднования будут в нарядах.

Большую инициативу в разработке праздничного сценария конкурсов проявляют служащие Вооруженных Сил Каламкош Иманкулова, Саниба Шахобова, майор Мамарасул Хайдаров, рядовые по контракту Ахрор Усмонов, Шодиёр Туронов и другие.

Остается совсем немного до встречи этого прекрасного праздника. С наступающим!

Лейтенант
Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвар».

Олтин нега қимматлашди?

1996 йилда дунё бозорида олтиннинг бир унцияси (28,3 грамм) 400 АҚШ долларига тенг эди. Бироқ, айнан шу даврдан 2002 йилгача қимматбаҳо сариқ металл баҳоси пасая борди. Буни қарангки, ўтган йилнинг декабридан олтин баҳоси бирданига кўтарилиб кетди. Статистика тили билан айтганда, 2002 йилнинг охири ва 2003 йилнинг бошида нарх ҳар унцияси учун 320 дан 385 долларгача ошди.

«Голд филдс минерал сервисес лтд» аналитик компаниясининг маълумотларига қараганда, 2002 йилда дунёда олтин қазиб олиш 2001 йилга нисбатан 2 фоизга камайган. Бу 60 тонна қимматли металл кам ишлаб чиқарилганини билдиради. Яъни, 2001 йилда 2602, 2002 йилда 2542 тонна олтин қазиб олинган экан. Мутахассисларнинг фикрича, олтин сотишнинг 2002 йилда 14 фоизга ўсгани ҳам унинг нархи қимматлашувида муҳим омил саналаркан. Бунда Яқин Шарқ, айниқса, Мисрнинг катта улуши бор. Аниқроғи, мазкур минтақа учун, ўз олтинини долларга сотиш, миллий валютасини мустаҳкамлаш фойдали бўлиб қолганди.

Олтиннинг қимматлашгани унга бўлган эҳтиёжни, заргарлик саноатидаги эҳтиёжни ҳам бироз пасайтирди. Айниқса, бу Ҳиндистонда сезиларли бўлди. Яъни, эҳтиёж 154 тоннага камайди. Бу 21 фоизга, дегани. Маълумки, ушбу мамлакат олтин импорти бўйича дунёда етакчи ўринда туради. Нархи кўтарилгунига қадар қимматбаҳо металл Ҳиндистонга йилига 700-800 тонна олиб келинган. Бунга сабаб, миллий урф-одатларига кўра, мамлакатда келин сепи учун тилла тақинчоқлар олиниши шарт. Умуман олганда, дунёда заргарлик саноати олтин ишлатишни 2002 йилда 12 фоизга камайтирган. Масалан, Италия — 50 тонна, Миср — 21 тонна, Саудия Арабистони — 20 тоннага эҳтиёжини камайтиришга мажбур бўлган. АҚШда эса бу 4 тоннага тенг.

Нархлар ўсиб боргани сайин бу қимматли металлни сақлаш даражаси 2002 йилда 3 фоизга ошганини мутахассислар таъкидлашмоқда.

Шу ўринда газетхонларни бир савол қизиқтириши мумкин. Хўш, олтин бозорининг истиқболи қандай? У қачон барқарор бир вазиятга келади? Яна мутахассислар прогнозига мурожаат қиламиз. Бунга кўра, олтин нархининг беқарорлашувида асосий омил Ироқдаги уруш экан. Агар узил-кесил ғалабага тезда эришилса, олтин нархи барқарор бир ҳолатга келиши мумкин. Тажрибадан маълумки, инвесторлар кучли мамлакат иқтисодиётига сармоя ётқизишга ҳаракат қилишади. Ҳали Ироқда беқарор вазият ҳукмрон экан, нефть, олтин баҳоси барқарорлиги ҳақида сўз очиш қийин. Бундан ташқари Шимолий Корея атрофидаги ядровий можаро, Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги тўла барқарорлашмаган муносабат, араб-исроил муаммоси бу борада қўшимча омил ҳисобланади. Қолаверса, Аргентина ва Японияда-ги банк тизими инқирозининг ҳам нархлар «сакрашида» муайян ўрни бор. Долларнинг курси еврога нисбатан пасайишини ҳам бунга қўшимча қилиш мумкин. Зукко муштарий англаган бўлса, ушбу омиллар барқарорлашиб, ўз ўрнига тушса олтиннинг нархи бир маромга келади.

Албатта, бу жараён мамлакатимиз учун ҳам муҳим. Негаки, олтин қазиб олиш ва унинг захиралари бўйича Ўзбекистон дунёда етакчи ўринларда туради. Давлат геология ахборот марказининг маълумотларига кўра, олтин нархи пасайиб кетганда янги олтин конларини тадқиқ этиш самарасиз, яъни рентабеллик даражаси паст эди. Энди эса бу борада ишлар олға силжиши мумкин. Масалан, «Амантайтау Голдфилдс» Ўзбекистон—Британия қўшма корхонаси Қизилқумнинг Амантайтау олтин рудалари конида иш бошлагани мисолида буни кўришимиз мумкин. Умуман олганда, нарх кўтарилиши мамлакатимизнинг олтин рудалари қазиб олиш соҳасига янги-янги хориж сармояларини олиб кириши ҳам мумкин.

Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.

Сотрудничество университетов в XXI веке

В Московском государственном университете имени Ломоносова прошла II Международная научно-практическая конференция «Университеты и общество. Сотрудничество в XXI веке», организованная в рамках мероприятий, посвященных 250-летию со дня основания этого древнейшего учебного заведения России.

Среди участников мероприятия была и делегация из нашей страны. Министр высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан С. Гулямов в начале работы конференции огласил приветственное послание Президента Ислама Каримова ее участникам и передал его ректору МГУ академику В. Садовничиму.

В послании, в частности, говорится: «Узбекистан, где образование является приоритетным направлением государственной политики, высоко оценивает важный вклад ученых и педагогов МГУ в развитие сотрудничества между нашими странами, их участие в подготовке кадров и проведении совместных научных исследований.

Уверен, что нынешняя конференция позволит ее участникам расширить сферы и географию взаимного сотрудничества, будет способствовать укреплению роли университетов в развитии обществ и образования в XXI веке и наполнит новым содержанием образовательное пространство, в котором МГУ по праву признан одним из лидеров».

Следует отметить, что глава нашего государства является Почетным профессором МГУ имени Ломоносова. Диплом о присвоении этого звания был вручен Президенту Исламу Каримову в январе 2001 года в Ташкенте ректором университета академиком В. Садовничим.

В рамках форума министр высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан С. Гулямов обсудил с академиком В. Садовничим нынешний уровень развития сотрудничества университетов нашей страны с МГУ. Проведенные встречи и переговоры показали, что еще имеются большие неиспользованные возможности и перспективы для дальнейшей интенсификации взаимодействия, в частности, в области подготовки кадров, организации стажировок профессорско-преподавательского состава узбекских вузов в Московском университете, организации и проведении совместных научно-практических конференций и научных исследований.

В 2001-2002 годах в соответствии с заключенным соглашением между Московским государственным университетом и Министерством высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан был подписан важный документ. Согласно данному документу 100 руководителей узбекских вузов прошли краткосрочную программу повышения квалификации по курсу «Менеджмент профессионального образования».

Музаффар ЗАХИДОВ,
ИА «Жахон».
г. Москва.

Мунажжимлар башорати

ҚУЙ. Ҳафта бошида аниқ режалар тузиб, қатъий ҳаракатларни бошлашга тайёргарлик кўринг. Ажабтовур ғоялар ўйлаб топувчи кишиларга эргашманг, ажойиб натижаларни ваъда қилувчи бетайин ишларга аралашманг. Хизматда муаммолар бўлмайди. Командирларга ўз таклифларингиз билан мурожаат этиш учун қулай давр.

БУЗОҚ. Бу ҳафтада сизни сўнгги модадаги кийимлар ва соч турмаклашлан кўра, ақл билан иш кўриш ва сабр-тоқат безайди. Атрофдагилар сизнинг хизматингизни юқори баҳолайдилар ва ҳурмат қиладилар, аммо бундан гердайиб кетмасликка ҳаракат қилинг. Уйни ҳам ёддан чиқарманг — тартиб ўрнатиш ва кераксиз, эски нарсалардан қутулиш вақти келди. Сафдошлардан ёрдамингизни аяманг.

ЭГИЗАКЛАР. Йил якунлари, қилинган ишлар ҳақида ўйлаб кўриш учун яхши ҳафта бошланмоқда. Турли тажрибалар ўтказмасдан, синовдан ўтган усулларда ҳаракат қилиш тавсия этилади. Командирлар ва сафдошлар билан кўпроқ мулоқотда бўлинг. Яқинлар билан муносабатларда мураккабликлар келиб чиқмаслиги учун, муаммолар кичкиналигидаёқ уларни ҳал этиб олиш учун куч сарфлашингиз зарур бўлади.

ҚИСҚИЧБАҚА. Ўз ҳиссиётларингиз ва сезгингизга кўпроқ ишонинг. Мақсад сари олға боришингизда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўладиган ахборот олишингиз мумкин, бироқ унинг ҳақконийлигини текшириб кўринг. Бир вақтнинг ўзида бир неча ишлар билан шуғулланишга тўғри келиши мумкин уларнинг натижасини келаси ҳафтада биласиз ва бу сизни хурсанд қилади.

АРСЛОН. Сизнинг қатъийлигингиз, фаоллигингиз ва ишчанлигингиз эътиборсиз қолмайди — фақат уларни ўз вақтида намоён қилинг. Лавозим борасида ўсиш учун қулай ҳафта. Сиз учун муҳим ва қизиқарли бўлган ишларни қўллаб-қувватланг, бекорга вақт ва кучингизни сарфламанг. Ҳақгўй бўлинг, иғво, мишмишларга аралашманг. Сафдошларга эътиборли бўлинг.

ПАРИЗОД. Ҳафтанинг биринчи ярмини хизматдаги кундалик ишлар ва вазифаларни бажаришга бағишланг. Сешанбада бутун масъулиятни ўз зиммангизга олишга тўғри келади, чунки юзага келган вазиятдан чиқиш фақат сизга боғлиқ бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида кўпдан бери ўйлаб юрган режалар амалга ошади.

ТАРОЗУ. Бу ҳафтада юмшоқ ва мулойимроқ бўлишга ҳаракат қилинг. Турли можаро ва келишмовчиликлардан узоқроқда бўлинг. Баъзи режа ва лойиҳаларда воз кечишга тўғри келади. Низомлар қоидаларига қатъий риоя қилинг. Сафдошлар билан муносабатлар кўнгилдагидек давом этади.

ЧАЁН. Ўз фикрларингиз ва режаларингиз борасида командирлар (раҳбарлар) билан маслаҳатлашинг — шунда сизнинг ташаббусингиз муносиб баҳоланади. Ҳиссиётларингизга эҳтиёт бўлинг, улар таъсири остида кейинчалик афсусланишингизга сабаб бўладиган ишлар бўлиши мумкин. Сафдошлар билан муносабатларда муаммолар бўлмайди.

ЎҚОТАР. Бу ҳафтада қандайдир янги ишларга қўл урмай, кундалик ишларингиз билан шуғулланганингиз маъқул. Куч-қувватингиз ошганини сезасиз, аммо атрофдагиларнинг дам олиши ва ишлашига халал бермасликка ҳаракат қилинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Бу ҳафтада хотиржамлик ва ўзини тута билиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳаёт оқимига назар ташланг, воқеаларни тезлаштиришга шошилманг. Сафдошлар билан муносабатларда оғир, хушмуомала бўлинг. Командирларга ҳозирча мурожаат қилмай турганингиз маъқул. Дам олиш кунлари барча ишларни тартибга келтириш учун қулай бўлади.

ҚОВҒА. Ўз сўзингизда туришингиз ва қатъийлигингиз барча режаларингиз амалга ошишига олиб келади. Лекин, фақат ўз кучингизга таянишга тўғри келади. Ҳиссиётларингизни фақат яқинларингиз ва ишонган кишиларингиз билан ўртоқлашинг.

БАЛИҚ. Бу ҳафтада йўл қўйилган хато ва камчиликларни тўғрилаб, жамоадаги муносабатларни яхшилаб олишга ҳаракат қилинг. Катта ишларни кейинроққа қолдириб, ҳозирча кундалик хизмат вазифаларини бажаринг. Сафдошлар билан муносабатларга эътибор қаратинг. Фаол ишлаш билан биргаликда дам олишни ҳам ёддан чиқарманг.

● СПОРТ ●

● БОКС: III ВСЕМИРНЫЕ ИГРЫ СРЕДИ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ

УЗБЕКСКИМ БОЙЦАМ АПЛОДИРОВАЛА КАТАНИЯ

Как мы уже сообщали, сборная армейских боксеров успешно выступила на III Всемирных играх среди военнослужащих, проходивших с 4 по 11 декабря в итальянском городке Катания — они привезли в Ташкент девять медалей различного достоинства.

О том, как складывались бои на турнире, наш корреспондент попросил рассказать капитана команды армейской сборной Узбекистана капитана Уйгуна Сиддикова.

БРАВО, ДИЛЬШОД, БРАВО, ШЕРЗОД!

Финальный поединок в весе до 64 кг между Дильшодом Махмудовым и россиянином Олегом Комиссаровым стал своеобразным украшением турнира. Оба соперника были достойны победы, но узбекистанец великолепно использовал преимущества своей правосторонней стойки, тактически грамотно выстроил бой, а по технике нередко превосходил своего визави. Олег так и не смог подобрать «ключи» к защите левши, а Дильшод к званию чемпиона присовокупил еще титул лучшего боксера состязаний.

Хотя бои в первом полусреднем весе не изобилуют нокаутами, но чемпион Азиатских игр в Пусане и здесь отличился — в четвертьфинале нокаутировал марокканца, а в первом бою «обидел» представителя хозяев соревнований. И лишь в полуфинале Дильшод провел тяжелый бой против алжирца.

В боксерских кругах хорошо знают и нашего второго чемпиона — минувшим летом Шерзод Хусанов стал финалистом чемпионата мира в Таиланде в весе до 69 кг. Вот и здесь наш земляк подтвердил свой класс — в первом бою нокаутировал азербайджанца, затем победил марокканца и алжирца, а в финале перед ним не устоял россиянин Батраз Баскаев. Тренер проигравшего, олимпийский чемпион Сиднея-2000 знаменитый Александр Лебзяк, серьезно настраивал ученика, но после поединка признал — на сегодня Шерзод Хусанов сильнее.

ТРЕТЬЯ НАДЕЖДА...

Когда на ринг пригласили предпоследнюю пару финалистов для выяснения чемпиона в весе до 75 кг, за узбекистанца Шерзода Абдурахманова «болел» весь зал — в противостоянии с россиянином Матвеем Коробовым экспрессивные итальянцы желали победы нашему боксеру. Так хозяева искренно и с большим энтузиазмом поддерживали нашего атлета, смело бросившего вызов более опытному боксеру из России.

Дважды зал искренне сопереживал триумфу узбекистанцев, но третьего раза не случилось — победил более опытный Коробов. Надо учесть и то, что путь к финалу у Шерзода был нелегким — в поединках с равными по силе боксерами из ЮАР, Сирии, Италии он буквально «вырывал» победу волевым усилием. Особенно трудным был бой с хозяином ринга, которому в родных стенах очень хотелось победить.

БУДЬ ЖРЕБИЙ ЧУТЬ БЛАГОСКЛОННЕЕ...

...тогда бы итальянские любители бокса стали бы свидетелями российско-узбекистанского финала еще как минимум в трех весовых категориях. Но судьбе было угодно распорядиться иначе...

В итоге уже в полуфинале вышли на боксеров из России наши Джахонгир Суванкулов (60 кг), Азизжон Рахмонов (91 кг) и Жасур Матчанов (св. 91 кг), вынужденные довольствоваться бронзовыми наградами. Хотя и путь к «бронзе» у всех троих был достойным. Джахонгир победил марокканца и алжирца, Азизжон выиграл у сильного китайца, а затем у катарца, Жасур нанес поражение иорданцу. Молодой супертяжеловес подает большие надежды, стремясь продолжить славную историю боксерской семьи Матчановых. Его отцу Матъякубу очень хочется увидеть еще большие успехи сына.

Полутяжеловес Нодир Гуломов уступил призеру Олимпиады в Сиднее азербайджанцу Вугару Алекперову, не сумевшему довести до конца финал из-за травмы. Кстати, и нашему Азизжону Рахмонову именно травма помешала победить...

Отабеку Мамаджонову (48 кг) и Абдугаффору Умарову (54 кг) путь к финалу преградили боксеры Северной Кореи. На пути к «бронзе» Отабек победил пакистанца, а Абдугаффор — колумбийца и турка.

Однако эти парни все же сумели одержать свои победы и пробиться к медалям. А вот Улугбеку Бурибоеву (57 кг) не повезло еще больше — он проиграл уже стартовый поединок, хотя и будущему чемпиону...

ВТОРОЕ КОМАНДНОЕ — НЕ ПРЕДЕЛ

Конечно, если учесть, что в соревнованиях участвовали боксеры 25 стран планеты, а за медали спорили около трехсот спортсменов, то девять медалей на десятерых и второе общекомандное место — это большой успех. Однако максимализм наших мастеров перчатки нацеливает на большее.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

АНЕКДОТЫ

Жена говорит мужу:

— Сними рубашку, — она уже грязная.

— Она не может быть грязной — она же черная! — отвечает муж.

***

Муж бреется перед зеркалом и говорит жене:

— Что-то у меня бритва не бреет!

Жена:

— Странно, а линолеум она резала хорошо...

***

— Рыба, которую я вчера у вас купил, оказалась несвежей.

— Странно, она ведь прямо из моря.

— Видимо, она шла оттуда пешком!



Аскарларнинг кундалик фаолиятида аҳамиятсиз нарсалар бўлмайди. Масалан, уларнинг ошхоналарини олиб кўрайлик. Озодалик, тайёрланаётган таомларнинг сифати аскарнинг жанговар тайёргарлигига таъсир қилмайди, деб айта оласизми? Йўқ. Демак ошхона ҳам муҳим аҳамиятга эга жойлардан бири.

Буни ҳаммадан ҳам ошхона бошлиғи, шартнома бўйича хизмат сержанти Шомурот Тлеубаев яхши тушунади. Вазифасига сидқидилдан, виждонан ёндашадиган сержант посбонларнинг ошхонада кўрсатилаётган хизматдан мамнун бўлишлари учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Маҳсулотлар билан ўз вақтида таъминлаш, озодаликка риоя этиш, сифатли таомлар тайёрлаш ва тарқатиш унинг қатъий назорати остида бўлади.

Александр МРУЧАК олган сурат.

● КУРАШ

Европада ўзбек кураши байрами якунланди. Навбат Осиёга!

Яқинда Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрида кураш бўйича навбатдаги Панамерика чемпионати муваффақиятли якунланган эди. Кураш байрами Европада давом эттирилди. Туркиянинг Истанбул шаҳри III қитъа чемпионатига мезбонлик қилди. Унда кураш федерациясига эга бўлган «кўҳна қитъа»нинг йигирмага яқин давлати полвонлари гиламга чиқди.

Европа чемпионатида мусобақага туркиялик ҳамда германиялик полвонлар ҳар томонлама жиддий тайёргарлик кўрганини намойиш қилди. Энг енгил вазн — 60 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида кечган финал баҳсида туркиялик икки спортчи гиламга чиқди. Асосий баҳсда ўз ҳамюрти А. Балжини мағлуб этган Ў. Кепенек Европа чемпионлигини қўлга киритди. Германиялик С. Росперга бронза медаль насиб қилди.

Оғирлиги 66 килограммгача бўлган курашчилар баҳсида олтин медаль А. Лабрен (Греция) ҳамда П. Сойерни (Буюк Британия) догда қолдирган мезбонлар вакили Ҳ. Ўзканга топширилди. Вазни 73 килограммли полвонлар беллашувида медалларни Л. Герритс (Германия), З. База (Греция) ҳамда Г. Шанбазян (Арманистон) ўзаро бўлишиб олди.

81 ва 90 килограммгача вазн тоифасида олтин медаллар учун мезбонлар курашди. Туркия шарафини ҳимоя қилаётган тажрибали И. Узнадзе ўз жамоадоши М. Уйканни, Ў. Йилмаз эса Б. Кўчанни мағлуб этди. Польшалик Л. Бланш ҳамда А. Чанурашвили (Исроил) бронза медали билан кифояланди.

Вазни 90 килограммдан юқори бўлган курашчилар баҳсида барчанинг эътибори кураш бўйича жаҳон чемпиони бўлган туркиялик машҳур полвон Селим Татарўғлига қаратилди. Полвонлар полвонига қитъа чемпионатида ғалаба қозониш қийин бўлмади. Унга қаршилик кўрсатолмаган Нидерландия вакили Б. Соннеманс кумуш, германиялик Д. Муузен бронза медалга лойиқ топилди.

Европа чемпионатининг энг қизиқарли, кескин ва муросасиз беллашувлари мутлақ вазн тоифасида ўтказилди. Финалда яна туркиялик полвонлар ўзаро куч синашди. 90 килограмм вазн тоифасида ғалаба қозонган Ў. Йилмаз сўнгги жангда ҳамюрти М. Гемаалмазнинг курагини ерга текказиб, иккинчи олтин медални қўлга киритди. Финалга чиқолмаган Д. Муузен (Германия) ҳамда Б. Соннеманс (Нидерландия) эса бронза медаль билан тақдирланди.

Шунингдек, Осиёда ҳам III қитъа чемпионати бошланди. Нуфузли мусобақага Эрон пойтахти Теҳрон мезбонлик қилмоқда. Чемпионатда Осиёнинг йигирмага яқин мамлакатидан энг сара полвонлар беш вазн тоифасида ғолиблик учун куч синашаётир. Ушбу баҳсларда юртимиз шарафини Абдулла Тангриев, Давлат Чориев, Рамзиддин Саидов, Халил Жумаев ва Аюб Камолов ҳимоя қиляпти.

● ФУТБОЛ

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ АРАФАСИДА

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) футболни янада ривожлантириш мақсадида ўтган йили қитъа чемпионлар лигаси мусобақасини ташкил этганди. Илк маротаба ўтказилган ушбу турнир кўплаб мухлису мутахассислар эътиборини жалб қилди. Яқинда ОФК қароргоҳида ушбу мусобақага қуръа ташлаш маросими бўлди. 2004 йили ўтказиладиган турнирда юртимиз шарафини мамлакат чемпиони — «Пахтакор» ва кумуш медаль соҳиби «Нефтчи» жамоаси ҳимоя қилади.

«Пахтакор» дастлабки чемпионлар лигасидаги иштирокини ярим финалда тўхтатди. Омадсизлик туфайли Таиландда «Бек Теро Сасана» билан бўлган биринчи учрашувда 3:1 ҳисобида енгилган футболчиларимиз, Тошкентдаги жавоб учрашувида керакли натижани қайд этолмади — 1:0 ҳисобидаги ғалаба ўзбекистонликларга финалга чиқиш учун камлик қилди.

Лекин «Пахтакор» футболчилари миллионлаб мухлисларни ва ОФК раҳбарияти эътиборига сазовор бўлди. Осиё чемпионлар лигасининг энг машаққатли ўйинларида, миллий чемпионат ва мамлакат кубоги баҳсларида муваффақият қозонгани учун «Пахтакор» ОФК томонидан 2002 йилнинг Осиёдаги энг кучли футбол клуби, деб эълон қилинди.

Ўша йили мамлакат чемпиони сифатида мусобақани учинчи босқичдан бошлаган «Нефтчи»дан ҳам юқори натижалар кутилганди. Айниқса, фарғоналиклар биринчи рақиби — Яманнинг «Аҳли Сана» жамоасидан осонликча ўтгани ўзбекистонлик мухлисларда Ю. Саркисян шогирдларига бўлган ишончни ошириб юборди. Лекин тўртинчи босқичда «Нефтчи»дан омад очиқчасига юз ўгирди.

2004 йилги Осиё чемпионлар лигаси энди бир оз бошқача шаклда ўтади — жамоалар гуруҳ баҳсларига чиқиш учун саралаш учрашувларини ўтказмайди. Чунки ўтган йили «Пахтакор» каби кучли клублар уч-тўрта босқичда сараланиб тобланган бўлса, айрим заиф жамоалар тўғридан тўғри гуруҳ беллашувларига жалб қилинганди. Энди адолат ўрнатилди. Қайси жамоанинг қайси гуруҳдан жой олиши қуръа ташлаш маросимида аниқланадиган бўлди. Қоидага кўра, еттита гуруҳда тўрттадан жамоа иштирок этади. Гуруҳ голиби чорак финалга йўлланма олади. Чорак финалда уларга сўнгги мусобақа голиби қўшилади.

Мусобақада Ўзбекистон, Қатар, Эрон, Баҳрайн, Бирлашган Араб Амирликлари, Кувайт, Ироқ, Саудия Арабистони, Жанубий Корея, Хитой, Таиланд, Япония, Вьетнам, Индонезия каби футболи ривожланган мамлакатларнинг иккитадан жамоаси қатнашмоқда. Маълумотларга қараганда, Осиё футболи раҳбарлари футболи унчалик ривожланган мамлакатлар жамоалари учун ОФК Кубоги мусобақасини ташкил этишни режалаштираётган экан.

Хуллас, Осиёнинг энг кучли йигирма саккиз жамоаси ўртасида ташланган қуръа натижасига кўра «Пахтакор» футболчилари «А» гуруҳидан жой олди. Айни пайтда Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси рейтинг жадвалида Осиё клублари ўртасида энг юқори ўринда бораётган «Пахтакор» гуруҳдан чиқиш учун «Қатар спорт клуб» (Қатар), «Зоб Аҳан» (Эрон) ва «Ар-Риффа» (Баҳрайн) жамоаларини енгиши лозим. Хорижлик ва маҳаллий мутахассисларнинг аксарияти «Пахтакор» футболчиларини гуруҳ фаворити сифатида эътироф этмоқда.

Тошкентликлардан фарқли ўлароқ, қуръа Фарғонанинг «Нефтчи» жамоасига анча жиддий рақибларни раво кўрди. «Д» гуруҳида жойлашган «Нефтчи» футболчилари Эроннинг «Сепаҳан», Кувайтнинг «Ал-Арабий» ва Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» жамоалари билан рақобатлашиши лозим.

Осиё чемпионлар лигаси қондасига биноан барча гуруҳлардаги 1-тур баҳслари 2004 йилнинг 11 февраль куни бошланади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



ЭНИГА: 1. Ҳеч ким унга учрашни хоҳламайди. 4. Қовун нави. 7. Чеварларнинг махсус халтаси. 9. Дезертир. 11. Ер ҳайдаш асбоби. 12. Персей халос этган юнон мифларидаги Хабашистон подшоси қизи. 13. Хўл мева. 16. Эркаклар мусиқий овози. 17. ... Сафин, (теннисчи). 18. Изланиш, текшириш натижасида илмий янгилик яратувчи. 19. Туркиянинг шимоли-ғарбидаги шаҳар. 20. Номуносиб, ноўрин. 22. Испаниядаги шаҳар ва порт. 24. Нозик керамикага кирувчи идиш тури. 26. Меъморий нақш тури. 28. Европадаги давлат пойтахти. 29. Гапнинг иккинчи даражали бўлаги. 30. Тунги қуш. 33. Маълум давр кишилари. 34. Милтиқ, тўппонча, пулемёт (умумий номи). 35. Муайян воқеа-ҳодисани, тадбирни кўрувчи одам. 36. Икки корпусли кема.

БЎЙИГА: 1. Ижодий бинокорлик касби. 2. Майин юпқа чарм тури. 3. Тери касаллиги. 4. Қолдиқ, қарз ёки ундирилмаган солиқ. 5. Ўғриларга ёқадиган кун вақти. 6. Автомобиль спорти бўйича комплекс мусобақалар. 7. Бўйсуниш, тобелик. 8. Дарахт. 9. Олга ... бос. 10. Қушнинг «қўли». 14. Чеварларнинг иш қуроли. 15. Хотин-қизлар бўйнига тақадиган зийнат буюми. 20. Кишининг ўз назаридаги қадр-қиммати, ғурури. 21. Ўрмонда ёмғирдан кейин кўпаяди. 22. Ернинг доимо нам, зах бўлиб ётадиган жойи. 23. Осиёдаги ярим орол. 24. Қишнинг энг совуқ даври. 25. Уят, номус. 26. Ширин эмас. 27. Чатоқлик, чалкашлик. 31. Меросдан ворисларга тенг бўлинган қисм. 32. Терини юмшатувчи восита.

Зайнаб ИСАҚОВА тузди.

ГАЗЕТАНИНГ 149-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 5. Лаққа. 6. Майор. 9. «Арарат». 10. «Адидас». 11. Коинот. 13. Орбита. 14. Нилқи. 17. Барон. 21. Мартен. 22. Шажара. 23. Антрен. 24. Болтиқ. 25. Идрок. 26. Найза.

БЎЙИГА: 1. Сахалин. 2. Оқсарой. 3. Жавдари. 4. Мордвин. 7. Дакка. 8. Истат. 12. Титан. 13. Оқтош. 15. Уммат. 16. Бригада. 17. Бегемот. 18. Назорат. 19. Лактоза. 20. Ҳалқа.

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмуҳаммад
АБДУКАРИМОВ

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д. Кунаева, 21

Газета выходит по вторникам, четвергам и субботам.

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы: воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82, отделы: подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.

Номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 0430.